Тадбиркорнинг банклар билан алоқаларида иқтисодий эркинлиги таъминланиши даркор. Ва тадбиркор ўзи танлаган банкда ҳисобварақ (счёти) очиши, ўз пул маблағларини ўз билганича қонуний ишлатиши, нақд пул қилиб ёки нақд пулсиз шаклда счётдан счётга кўчириб олиши мумкин. Тадбиркор қонуний фаолият билан шуғулланганида унинг молиявий ишларига аралашинишга ҳеч ким ҳақли эмас. Тадбиркор бюджет билан ҳам эркин алоқада бўлади. Белгиланган солиқ суммасини бюджетга тўлагач, бюджетдан тегадиган пулни ўзи ўзлаштиради. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2005 йилда 13 %, 2008 йилда 10 %дан 8 % гача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 % гача пасайтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 6% га туширилди. Давлат солиқ қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ушбу тадбирлар натижасида 2011 йилда тадбиркорлар ихтиёрида 58 миллиард сўм маблағ қолдирилади. Бу — уларнинг янги истиқболли лойиҳаларини амалга оширишларига хизмат қилади. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди. У хоҳлаган молиявий компания ёки ташкилот фаолиятида иштирок эта олади.

Демак, тадбиркорлик ўз-ўзидан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож топмайди. Давлат солиқлар, субсидиялар, экспорт имтиёзлари, ўзининг ахборот хизматлари орқали, шунингдек, ўз ҳисобидан бепул умумий таълим бериш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди. Тадбиркорлик юридик жиҳатдан қайд этилади, унияг шарт-шароити, қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқини белгиловчи, давлат ва жамоатчилик томонидан ҳимоя қилиниши ва кафолатланишини таъминловчи қонунлар амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисида»ги қонунида тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга ёллаш, чекланмаган қонуний даромад олиш имкони кафолатланади.

2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши замирида жамиятимиз кўзлаган мақсад ётибди. У ҳам бўлса, дунёнинг демократик тараққий топган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллашдир.

Республикамызда сўнгги йилларда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, булар мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши дастур ҳамда Баркамол авлод йили давлат дастури талабларини қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2009 йил 15 май) қарори ҳамда «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2010 йил 28 июль) фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида»ги (2009 йил 10 июнь), «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2009 йил 29 июль) қарорлари эътиборга моликдир.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Сўнгги йилларда иқтисодий таъсирининг ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари сифатида давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар, молия-хўжалик субъектлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ноқонуний текширувлар сони камайди. Рухсат бериш билан боғлиқ 20га яқин тартиб-таомил бекор қилинди, ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ҳозир мамлакатимизда 30 та тижорат банки, 115 та кредит ташкилоти, 36 та микрокредит ташкилоти ва 28 та ломбард фаолият юритмоқда. Эндиликда ушбу молия муассасалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин ҳамкорига айланмоқда. Республикамызда 2010 йилда тадбиркорларга ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайиб, 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди.

Яратилган ҳуқуқий заминлар, қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар юртимизда кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имкон яратди. Бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31,0 %дан 2011 йил якунига келиб қарийб 54,0 % гача кўпайиши тахмин қилинмоқда. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 74 % идан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортда 13,6 %, импортда 36,6 % га етди. 2000 йилда бу кўрсаткичлар тегишлича 5,3 ва 27,4 %, аҳоли бандлигида 49,7 % ташкил этган эди. Бу рақамлар мамлакатимизда сўнгги йилларда кичик ҳажмдаги молиявий ресурслар билан таъминлашнинг махсус самарали шакли ҳисобланган микромолиялаш тизимини ривожлантиришга эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда.

Давлат раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёдаги тараққий топган давлатларда яратилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўрин эгаллаётганини таъкидлади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айна кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омил ҳисобланади. Дарҳақиқат, кичик бизнес маҳсулотининг ЯИМдаги ҳиссаси АҚШ ва Германияда – 50-55 %, Буюк Британияда – 55-60 %, Италияда – 57-60 %, Японияда – 52-55 %, Хитойда – 60-65 %. Кичик бизнес ташкил этади, умумий бандликда 50-70 % ни ва жами корхоналарда 97-99 % ни ташкил этади¹.

Давлат раҳбари мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттиришда «2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»нинг ўрни беқийёслигига тўхталиб, кичик

¹ Лануста М.Г. Малое предпринимательство. – М., 2008. – С. 567-570.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди¹.

Устувор йўналишлардан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборатлиги Президент маърузасининг асос бўлувчи фикрларидан бири ҳисобланади. Унда сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинганлиги ва қилинаётгани таъкидланиб, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Айни пайтда, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиш учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркорлиги давлатимиз раҳбари томонидан уқтирилди.

Бундан ташқари, Президент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласига тўхталди. Шу билан бирга жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмаслигини айтиб ўтиб, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилаётгани, жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилгани, лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўтқир муаммо бўлиб қолаётган ва ишимизга салбий таъсир ўтказётгани ҳақида куюниб гапирди.

Шулар қатори кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамағирлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмаслигини, қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мураса қилишга чек қўйиш вақти етгани, коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги, мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов, охир-оқибатда аҳоли фаровонлигини ўстиришга салбий таъсир кўрсатувчи иллат эканлигини барчага тушунтириш зарурлигини давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, «мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»¹. Чунки биз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий тараққиётимизнинг навбатдаги мантиқий босқичи давом этаётган даврда яшайпмиз, зеро «ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажагини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади. Барчамиз, аввало, ёшларимиз бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур»². Юртимизда тадбиркорлик янада ривожланаверса, тараққиётимиз ҳам шунчалик равнақ топиб бораверади. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш уларни амалдаги қонунларни пухта эгаллашга ундайди. Бу келгусида тадбиркорнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтиришга замин бўлади. У ўрта мулкдор даражасига

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. — 2010. — 8 дек.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. — Т., 1998. — Б. 429.

етганида сиёсий фаоллиги янада кучаяди: ён-атрофдаги демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш қўлами ортади. Бу жиҳатлар эса жамиятимизда барқарорликка ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий таянч бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йилнинг 7 февраль қарорида мамлакатимизда ўзбек давлатчилиги барқарорлигининг сиёсий негизини ташкил этадиган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг қуйидаги йўналишлари белгиланди:

— мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни камайтириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

— давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

— кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

— кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

— саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консультатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш².

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. — Т.16. — Т., 2008. — Б.98.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февраль қарори // Халқ сўзи. — 2011. — 8 фев.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси зиммасига «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилиши ҳамда уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика ҳудудларида белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Бунда:

- тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришлар;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари — энергия, газ, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилиши;
- тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшилангани;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётгани;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилиши уқтирилди.

Дастурда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми ўсишига алоҳида аҳамият берилган. Шу боис ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда «товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шакллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритилиши» вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори жамиятимизнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи бўлган тадбиркорликнинг мақомини мустақамлаш йўлидаги стратегик қадам бўлиб, мустақилликнинг илк йилларида бошлаган ислоҳотларимизнинг узвий таркибий қисмидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимизнинг мустақам таянчи бўлиши лозим.

С. М. Зайнутдинов*
Д. Т. Атаджанов**

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Республика Президенти И.Каримов «2009 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги мажлисида қилган маърузасида иқтисодиётимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва ўсиш суръатлари ҳақида сўз юритиб, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кишиларимиз даромадларини ошириш масаласини ҳал этиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигига тўхталиб ўтди. Шунингдек, аввало 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини ҳолисона баҳолаш принципиал аҳамият касб этишини таъкидлади.

Маълумки, саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингта яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир. 2010 йилда аҳолининг турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этилгани, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш — буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналиши деса бўлади.

2008 йилда жами 1523 та (шундан 168 таси касаначилик асосида) янги иш ўрини яратилиб, улар томонидан 59 млн. 595,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 49 та давлат унитар корхонаси ҳисобига 1355 та янги иш ўрини ташкил этилди. 2009 йилда қишлоқ жойларида касаначиликни янада ривожлантириш ҳисобига 70 минг, кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш орқали 110 мингта янги иш жойи яратилди.

Касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида амалга оширилган кўпгина ишлар натижасида фақат 2010 йилнинг олти ойи мобайнида касаначилик фаолияти ривожланиб, 300 мингта янги иш ўрни яратилди, шу жумладан оилавий бизнес билан банд бўлганлар сони 80,9 минг, корхоналар билан тузилган битим, шартнома асосида касаначилик қилувчилар сони 46,1 минг нафарни ташкил этди.

Республикамизнинг қишлоқ жойларида касаначилик фаолиятининг асосий бўғини бўлиб, шахсий ёрдамчи хўжалик, деҳқон ва фермер хўжаликларида бу соҳада чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2008 йилнинг ўзида қорамоллар боқиш билан шуғулланадиган 390 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20300 бош қорамол сотилди. Биргина 2007 йилда мамлакатимиз аҳолига қорамол сотиб олиши учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратган бўлса, 2008 йилда бу

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди. 2006 йилдан hozirга қадар мамлакатимиз аҳолисига, айниқса кам таъминланган oilаларга 103 мингдан зиёд қорамол берилди. Натижада аҳолини уй ишлари билан банд қилиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-моддий шароитларини бирмунча яхшилашга эришилди. Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар 2009 йил охирига келиб иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлар сонини мамлакатимиз бўйича 5 фоизгача камайтириш имконини берди.

Президент И. Каримов: «Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва oilа бюджети даромадларини оширишнинг кўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда», — деб таъкидлайди¹.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик фаолияти ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида кундан-кун ижобий натижаларга эришилмоқда. Биргина 2008 йилда касаначилик фаолияти томонидан 34 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик фаолияти орқали корхоналар ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришдилар.

Умуман, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса касаначилик фаолиятини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, бу аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январь фармони ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарорлари бунинг яна бир ёрқин далилидир. Чунки бу мазкур ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида бир қатор ижтимоий-иқтисодий режаларни рўёбга чиқариш имкони яратилмоқда.

Энг аввало, мамлакатимиз аҳолисининг иш билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, oilа бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдалаган ҳолда аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва баъзи хизматлар кўрсатиш орқали аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга эришиш мумкин.

Юқоридаги қарор асосида касаначилик фаолияти тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши, республикада касаначиликни ташкил этиш шартлари, йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари ҳамда касаначилар билан меҳнат шартномалари тузиш тартибини, уларга зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва материаллар етказиб бериш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш, касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш тартиби ва иш берувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари устидан назорат қилиш механизмининг белгилаб берди.

Шунингдек, қарорда йирик sanoat корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши, oilа бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этиш имконини беради. Касаначилик фаолияти қандай қилиб мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиши ва қандай натижаларга эришиш мумкин деган ҳақли савол туғилади. Чунки касаначилик фаолиятига доир қонун ҳужжатларида касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи 16 ва ундан катта ёшдаги шахсларнинг касаначи билан якка тартибда моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиши зарурлиги талаб қилинса, 18 ёшдаги жисмоний шахс, яъни касаначи томонидан иш берувчи билан шартнома асосида унинг ишлаб чиқариш жойидан ташқарида, ўзига ёки oilа

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т., 2009. — Б.19.

аъзоларига тегишли бошқа жойда иш берувчининг буюртмасига биноан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида ишларни бажариш билан боғлиқ фаолияти тартибга солинади.

Маълумки, қишлоқ жойлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни иш билан таъминлаш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рағбатланишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар, таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганлар, ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларни касаначилик фаолиятига жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Касаначилик фаолияти, бу ишлаб чиқариш соҳасида кийимлар тикиш, уларни таъмирлаш, матоларни бўйаш, гилам тўқиш, тўқимачилик, пойафзал тикиш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар, турли буюмлар ясаш, тозалаш, қадоқлаш ва бошқа шу каби уй шароитида бажариладиган ишлардан иборат.

Мамлакатимиз иқтисодиётида касаначилар томонидан корхонанинг буюртмаларини бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш, уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, жиҳозлар, материаллар ва ярим фабрикатлар билан таъминлаш, касаначиликда мажбурий тарзда техника хавфсизлигини ўқитиш ҳамда буюртмаларни талаб қилинган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ташиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат мажбуриятлари назарда тутилган ҳолда меҳнат шартномаси асосида бажарилади.

Йирик корхоналар билан касаначилар ўртасида тузилган меҳнат шартномасига биноан корхоналар касаначиларга буюртма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишда асбоб-ускуна, жиҳоз учун инвентарларни текин ёки ижарага бериши, лизинг асосида тақдим этиши мумкин. Касаначилик фаолияти билан шугулланувчиларда фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини сақлаш, истеъмолчиларни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш мақсадида махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо қиладиган, уй шароитида назорат қилишнинг имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, кўп энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб ускуналар, шунингдек хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга ижара ва лизинг асосида тақдим қилиш, улардан уй шароитида фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия талаб қилинадиган фаолият билан шугулланиш тақиқланади.

Шу билан бирга, ёнғин хавфсизлигининг белгиланган қоидаларига, шунингдек касаначилик фаолияти билан шугулланаётган шахсларнинг айрим меҳнат турларига ёнғин ва санитария инспекцияси, давлат меҳнат техника инспекциясининг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин.

Касаначининг корхона буюртмасини бажаришда вақтини, ортиқча сарф қилиши мумкин бўлган маблағларни тежаш мақсадида иш берувчи ўзининг буюртмасини бажариши учун зарур хомашё материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни касаначиларга бериш ҳамда уларни етказишни таъминлашнинг шартлиги, касаначи ҳам, ўз навбатида, буюртмани бажариш учун хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни мустақил равишда сотиб олишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Касаначиларга ҳақ тўлаш корхона томонидан уларнинг бажарган ишлари ҳажмига қараб ишбай иш ҳақи принципи асосида амалга оширилади. У маълум турдаги фаолият билан шугулланганда, албатта, меҳнат сарфлайди. Шунинг учун ҳам улар ўзлари сарфлаган меҳнатларига яраша иш ҳақидан ташқари компенсация оладилар, яъни корхона иш билан боғлиқ равишда электр қуввати, сув, алоқа, машина асбоб-усуналарига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, шахсий транспортдан фойдаланиш харажатлари, шунингдек иш берувчининг буюртмасини бажариш учун фойдаланиладиган ва касаначининг ўз мулки бўлган жиҳозлар ҳамда бошқа асбоб-ускуналар амортизацияси учун кетган харажатларни тўлайди.

Эътиборлиси шундаки, касаначилар фаолияти, қонунга биноан, фақат буюртма берувчи корхоналар белгиланган тартибда назорат қилувчи органлар томонидан текширилган тақдирда текширилиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса назорат органлари касаначиларнинг ортиқча вақтини олиб, иш унумдорлигини пасайтиришига йўл қўйилмайди.

Юқорида келтирилган қарорда фақат касаначиларга нисбатан тўғридан-тўғри имтиёзлар назарда тутилмаган, балки товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича уларга буюртма берадиган корхоналарга қонун асосида энгилликлар берилган.

Масалан, бундай корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, шартнома асосида касаначиларга тўланадиган маблағларни тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиниши ҳамда меҳнат шартномасига кўра буюртма бераётган корхона томонидан касаначиларга ишларни бажариш мақсадида текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар ҳамда касаначиларнинг улардан фойдаланиши даврида мулк солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилган. Берилган бундай имтиёзлар, ўз навбатида, касаначилар билан шартнома асосида ишлаб чиқаришни амалга ошираётган саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш тармоқлари учун ҳам рағбатлантиришдир.

Корхона ҳам аввало касаначилар меҳнатидан иқтисодий манфаатдор бўлади, яъни у ўз фаолиятини амалга ошириш учун касаначилар билан меҳнат шартномаси тузадиган бўлса, юқорида назарда тутилган имтиёзларга эга бўлади. Имтиёзлар орқали тежаб қолинган суммани ўз фаолиятини ривожлантиришга сарф қилиши, паст рентабелли ва кўп меҳнат талаб қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига кетадиган вақтни, асосийси, унга сарфланадиган маблағларни тежаши натижасида маҳсулот таннархини пасайтиришга эришади.

Юқоридаги қарор ижроси натижасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида минглаб кичик, ўрта тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар, оилалар кўпайиб бормоқда.

2006 йилдан бошлаб касаначилик асосида хусусий цехлар барпо этиш ва уй меҳнатини ташкил қилиш режаси 131,9 %га бажарилиб, 7 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шу жумладан меҳнат шартномаси асосида 6 мингга яқин янги иш жойлари яратилди. Тошкент шаҳрининг 130 та йирик саноат корхоналарида касаначилик фаолияти татбиқ этилди ва касаначилик асосида иш билан таъминланганлар сони 500 мингдан ортиб, унинг ярмини аёллар ташкил этди.

Фақат Андижон вилояти Булоқбоши туманида 37 та маҳалла бўлиб, бу ерда юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш мақсадида тумандаги «Пахтабанк» ҳамда «Халқбанк»нинг молиявий хизмати катта бўлмоқда. Қишлоқларда ушбу молиявий муассасаларнинг кичик филиаллари очилган. Айниқса, миллий ҳунармандчилик, чорвачилик, кулолчилик, уйда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш, бичиш, тикиш каби қўл меҳнатини ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларни кредитлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Банк муассасалари қишлоқ мулкдорлари билан узвий ишлашлари натижасида булоқбошилик тадбиркорлар банклар томонидан 250,5 миллион сўм кредит билан таъминландилар. Фақат «Пахтабанк» туман бўлими кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қуватлаш учун 250 млн., халқ банки эса 5 млн. сўм миқдорда кредит ажратдилар. Тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида халқ истеъмоли моллари 2 бараварга ошиб, туманда 2005 йилда 500 та янги иш ўринлари яратилди.

Сандиқсозлик, бешикчилик, дўппидўзлик, миллий нақшли кийим-кечаклар, сўзана тикиш мамлакатимиз аҳолисининг аждождардан ўтиб келаётган қадимги ҳунар турларидир. Айниқса, Шарқнинг муаззам масканларидан ҳисобланган Шаҳрисабзда халқ усталари мунтазам шуғулланиб келаётган касб-ҳунарлари 50 турдан ошади.

Бу ерда аҳоли учун керакли бўлган уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Китоб ва Шаҳрисабзда 500 дан ортиқ касаначи уй шароитида ишлайди.

Биргина Қарши шаҳрида ҳунармандчиликнинг 25 тури билан шуғулланаётган мингга яқин усталар иш билан банд бўлиб, улар ёш шогирдларини ота-боболаримиздан мерос қолган қадимий ишларга ўргатмоқдалар.

Пахтакор туманида айни вақтда 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан 27 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Улар барча соҳаларда фаол иштирок этиб, мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бугун ушбу туманда соғлиқни сақлаш соҳасида 379 нафар, таълим соҳасида 548 нафар ходим хизмат кўрсатаётган бўлса, 658 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, 28 хонадонда тикувчилик, атторлик, ипакчилик каби касаначиликнинг турли шакллари йўлга қўйилганлиги натижасида мингдан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди.

Мазкур фармонга кўра уйда ишлайдиган кишилар учун ҳам, касаначилик иш ўринларини яратган корхоналар учун ҳам бир қатор имтиёз ва қулайликлар белгиланган. Энг муҳими, касаначилар уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда оила бюджетини мустақамлайдиган фойдали меҳнат билан шуғуллана бошладилар.

Пахтакор туманида 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида касаначилик асосида 348 та янги иш ўринлари яратилди. Эндиликда туманда кўрпа-ёстиқ, аёллар ва болалар либослари, эркаклар устки кийимлари тикилмоқда. Эътиборга молик томони шуки, миллий анъаналаримиздан бири бўлган каштачилик замонавийлик билан уйғунлашган ҳолда сайқаланмоқда. Президент фармонида касаначи ва иш берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ белгиланган бўлса-да, бироқ унга тўлиқ амал қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази 2008 йилда 12 нафар касаначи билан шартнома тузган бўлса-да, уларнинг олти нафари иш ҳақини ўз вақтида олмаган. Шу боис туман прокурорининг аралашуви натижасида ушбу масала ижобий ҳал бўлди. Ҳозир туманда фаолият кўрсатаётган касаначилар сони 420 нафардан ошди.

Азим Бухоро зардўзлик санъати билан бутун дунёга машҳур десак, янглишмаймиз. Бу масканда зардўзлик санъати авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Айниқса, Президентимиз фармонидан кейин зардўзликнинг касаначилик услубида олиб борилиши оммавий тус олиб кетди. Бугунги кунда касаначи-зардўзларга нафақат йирик саноат, тижорат корхоналаридан буюртмалар, балки хомашё, материаллар, зар иплари етказиб бериш кенг йўлга қўйилган.

Лекин шундай бўлса-да, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти айрим давлат бошқарув ва назорат органларининг масъул ходимлари томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ва касаначилик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини чеклаш ҳолатлари ҳали ҳануз учрамоқда.

Фақатгина 2010 йилнинг биринчи ярмида Бухоро вилоятида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаган давлат бошқарув идораларининг 50 та ноқонуний қарори бекор қилинди ва 54 та қарорнинг ижроси тўхтатилди. Бундай ҳолатлар бир неча туманларда учраб туради.

Мамлакат раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида»ги 2009 йил 15 май қарори хусусий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини ташкил этиш ҳамда уни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра тадбиркорлар томонидан тўланадиган айрим турдаги тўловлар бир неча баробарга пасайтирилган¹.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имтиёзлар ва қулай муҳит яратилганидан, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилганидан далолат беради.

Аммо, шунга қарамай, касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун шароит яратиб бериш, унга масъул бўлган давлат органлари, ташкилотлари раҳбарлари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифасидир.

¹ Халқ сўзи. — 2010. — 15 сент.

А. А. Абдуллаев*
С. Р. Дарвишов**

ТАДБИРКОРЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ

Президент Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилишни таклиф этди¹. Бу билан давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадини кўзлаганлигини ҳар бир фуқаро англаганини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлик самарали иқтисодий фаолият юритишнинг муҳим шаклларида бири сифатида жаҳон ҳўжалиги ва минтақалар миқёсида ўзининг бетақроқ ўрнига эга. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда монополистик жараёнларнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга туртки беради.

Жаҳон иқтисодий таълимотида тадбиркорлик ва унинг турли шакллари бўйича кўпгина таниқли иқтисодчилар тадқиқот олиб борганлар. Тадбиркорликни иқтисодий фаолият сифатида биринчилар қатори Ричард Кантильон, Ж.Бодо, Ж.Б.Сей тадқиқ этган.

Жамият тараққиёти билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳиятига турли қарашлар ва ёндашувлар шакллана борди. Жумладан, И.А.Архипов: «Бизнес фойда олишга қаратилган ишлаб чиқариш, бандлик, тадбиркорликдир»² деб ҳисоблаган.

Иқтисодчи олимлардан Р.Хизрич ва М.Питерс тадбиркорлик қийматга эга янгилик яратиш жараёни бўлиб, бу жараёнда вақт ва иш кучи ўзлаштирилади, зиммасига молиявий, маънавий, ижтимоий жавобгарликни олувчи шахсий манфаатни қаноатлантиришга ва маълум даромад олишга олиб келади деб ҳисоблайдилар³.

Шунингдек, иқтисодчи олимлар «тадбиркор» тушунчасини қуйидагича таърифлайдилар: «Тадбиркор (мулкдор) ўзининг ташаббускорлигини меҳнат ва капитал ресурсларни товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда иш юритишни фойдали бўлишини ваъда қилади. У тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган қийин вазифаларни бажариш учун қарорлар қабул қилади»⁴.

Фарбий Европа олимларидан С.Розенблат, Б.Боннингтен ва Б.Нидисларнинг «Бизнес концепцияси» китобида бизнесга «жамият эҳтиёжларини қондириш тизими»⁵ деб қаралган.

Юқоридаги ёндашувлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқариш ва иқтисодий хусусиятлари бўйича кўп қирралидир.

Республикамиз Президенти Ислоом Каримов таъкидлаганидек, «... кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради»⁶. Фақат юқори

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. – 2010. – 8 дек.

² Архипов И. А. Экономический словарь. – М., 2001. – С. 47.

³ Қаранг: Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – М., 1991. – С. 26.

⁴ Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Основы экономической теории. – М., 1995. – С. 83.

⁵ Рыночная экономика. В 2-х томах. Т.1. – М., 1999. – С. 125.

⁶ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т., 2009. – Б.46.

ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришиб фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларигина мамлакатлар ва минтақалар доирасида иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўша оладилар.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларига, жумладан, улар минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жиддий ва айни пайтда турли даражада таъсир кўрсатди. Ҳозирги даврда мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, уларнинг табиий-ресурс салоҳияти, турли ривожланиш даражасидаги минтақаларнинг хусусиятлари ва айниқса, уларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, жамият ҳаётидаги мавжуд ва янгидан юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тизимли ҳал қилиш мумкин эмас.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг, ушбу соҳасида фаолият юритаётган субъектларнинг доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлигидир. Давлат моддий-техник, информацион, технологик, консультатив, маркетинг, таълим хизмати, молиявий таъминот ва бошқа йўналишларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди ва тартибга солади.

Жумладан, бугунги кунда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолият юритиши, янги хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда қатор молиявий, маъмурий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолаётганлиги боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида *«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»*ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг муҳимлиги, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур»¹ лигини вазифа этиб белгиладики, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш орқали тадбиркорликнинг ривожланиши учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эгаллиги бу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу борада давлат раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун *«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»*ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим»².

Хусусий тадбиркорлик йирик бизнес билан фаол ҳамкорлик қилади. У мамлакат ва унинг минтақаларида янги иш ўринлари яратиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, малакали мутахассислар тайёрлаш муаммоларини ҳал этишда асосий роль ўйнайди. Маълумки, кичик корхоналар меҳнат унумдорлигининг даражаси ва самарадорликнинг баъзи кўрсаткичлари бўйича йирик корхоналарга нисбатан устунликка эга. Хусусий тадбиркорлик қўшимча иш кучини жалб этиш орқали жаҳон ҳўжалигининг мослашувчанлигини оширади ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солишда постиндустриализм талаб этадиган янги замонавий

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.49.

² Ўша манба. — Б.51.

технологиялардан, Интернет тизимидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳокимиятларнинг ижрочи органларида ортиқча навбат кутишлар ва турли бюрократик тўсиқларни, шу билан бирга коррупциянинг ривожланишидан қутилиш имкониятини яратди. Интернет технологияларининг ривожланиши натижасида, давлат тендерларининг очиқлиги ва ресурслар тақсимотининг шаффофлиги таъминланмоқда. Шу билан бирга қонунчиликда йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланиши лозим. Хусусан, давлат буюртмаларини тақсимлашда кичик корхоналарнинг иш бажариш бўйича иштирок этиши квоталарини таъминлаш зарур. Президент Ислом Каримов ушбу сектордаги муаммоларнинг ечимини енгиллаштириш мақсадида «концепция»да «Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, *давлат буюртмаларини олиши*, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор»¹лигини вазифа сифатида белгилаганлигини қайд этиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида унинг ҳиссасини ошириш ҳукуматимиз олдида доимо муҳим вазифа бўлиб келган. Бу борада Президент томонидан қатъий кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги аҳамияти беқиёс. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш² давлатимиз раҳбари томонидан вазифа этиб белгиланди.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган 2010 йилда 52,5 фоизни ташкил этган эди.

Шу билан бирга, эришган муваффақиятларимизни Ислом Каримов дунёдаги тараққий топган мамлакатлар тажрибаси билан таққослаган ҳолда танқидий баҳолар экан, Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўплиги ҳақида гапириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади³:

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Бош прокуратурага *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш* вазифаси топширилади.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифаси топширилади.

Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.51-52.

² Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи. — 2011. — 22 янв.

³ Ўша манба.

2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилади.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

Тўртинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак.

Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички тартиб-қоидаларини бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур.

Шуни тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга қўмаклашадиган, маркетинг ўтказиш, сертификат ва рухсатномалар олишни таъминлайдиган механизмни яратиш учун барча зарур ишларни амалга ошириши даркор.

Энг муҳими, 2011 йилда яратиладиган иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очишга мўлжалланганлигидир. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилади. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов «бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун *бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди*. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади»¹ деб таъкидлаши хонадон иқтисодиётини ривожлантиришнинг нақадар муҳимлигини белгилайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлайди, Ватанимиз тараққиётини халқаро майдондаги обрўсини янада оширади, энг муҳими, оммавий фаровонликни таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – Т., 2010. – Б.49.

ПУДРАТ ИШЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

2011 йилнинг Ўзбекистон Президенти томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Жумладан, «...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш — истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир»¹.

Маълумки, бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларда асосий ўринда истеъмолчи туради. Чунки истеъмолчининг фаоллигини таъминламай туриб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришнинг фаолияти мазмунсиз бўлиб қолади. Шу боис ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришдан кўзланган асосий мақсад истеъмолчининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Демак, истеъмолчи ҳуқуқларининг давлат ва жамият томонидан алоҳида тартибда муҳофаза қилиниши ўта муҳим масаладир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатининг ватани деб Америка Қўшма Штатлари тан олинади. Илк бор бундай ҳаракатлар АҚШда пайдо бўлиб, XX асрнинг 60-йилларида Европа мамлакатларига тез тарқала бошлади. Бу ҳаракат нафақат бизнесда, балки сиёсатда ҳам муҳим роль ўйнай бошлади. Мазкур ҳаракат «консьюмеризм» деб аталиб, «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати» маъносини билдиради.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки компаниялар XX асрнинг 60–80-йилларида АҚШда темир йўл компанияларининг йўловчи ва юк ташиш нархларининг доимий равишда ошириб борилишига қаршилик кўрсатишида намоён бўлган. Натижада, темир йўлда йўловчи ва юк ташиш нархлари белгиланишини давлат ўз назоратига олган.

1899 йилга келиб Истеъмолчилар миллий лигаси, 1935 йилда эса Истеъмолчилар иттифоқи тузилди ва ҳозирги кунда унга 5 млн. дан ортиқ одам аъзодир.

Консьюмеристик ҳаракат аста-секин куч тўплаб, 1962 йилнинг 15 мартида АҚШ президенти Ж. Кеннеди АҚШ конгрессига «Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида махсус нома» юборди ва унда истеъмолчиларнинг танлов ҳуқуқи, хавфсизликка бўлган ҳуқуқи, эшитиш ва маълумот олиш ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, номада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилмай туриб иқтисодиётни ривожлантиришда мувозанатни сақлаб бўлмалиги тўғрисида фикр билдирилган. Шу сабабли, БМТ томонидан *15 март — Бутун жаҳон истеъмолчилар кун*и деб эълон қилинган.

Консьюмеристик ҳаракат 1935-1945 йилларда Европа мамлакатларида ҳам куч ола бошлаган². Буюк Британияда 1975 йилда истеъмолчилар ҳуқуқлари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларидан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида давлат органлари ҳам ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, «Which?» (Қандай?) номли истеъмолчилар журнали чоп этила бошланди. Германияда эса иқтисод, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш вазирликлари қошида истеъмолчилик соҳасидаги муаммолар билан шуғулланувчи махсус бўлимлар ва Вазирликлараро қўмита фаолият кўрсатади. Жойларда эса ўлкалар бошқаруви даражасида истеъмолчилик марказлари иш олиб боради. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос механизм Швецияда яратилган бўлиб, 1971 йилда у ерда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман лавозими жорий

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси бошлигининг ўринбосари.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.53.

² Богуславский М.М. Международное частное право. — М., 1994. — С. 19.

қилинган. Омбудсман — юқори мартабали, ҳукумат ва парламентга ҳисобот берувчи лавозим ҳисобланади. У яқка тартибдаги ва жамоавий мурожаатларни кўриб чиқади, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлардан сўровномаларга жавоб олиш, тавсиялар бериш, истеъмолчи номидан судга даъво қилиш, қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ва бошқа шу каби ваколатларга эга бўлиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим институт ҳисобланади. У келган аризаларни аксарият ҳолларда музокара йўли билан ҳал этади. Масалан, бир йилда Омбудсманга келиб тушган 4000 га яқин аризадан фақатгина 20 таси тижорат судларига юборилган, қолганлари эса музокара йўли билан ҳал этилган. Бунда Омбудсман институтининг жамиятда истеъмолчи учун яхшигина медиаторлик вазифасини бажариб келаётганини кўриш мумкин. Бу эса, ўз ўрнида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тез ва тежамкор йўллар билан ҳимоя қилишнинг самарали механизми амал қилаётганидан дарак беради¹.

1980 йилларга келиб, собиқ Иттифоқда ҳам турли консьюмеристик ҳаракатлар, клублар ва жамиятлар пайдо бўла бошлади. 1987 йилда улар бирлашиб, Истеъмолчилар жамиятлари федерациясини ташкил этди. Унинг биринчи президенти этиб Анатолий Собчак сайланган. 1992 йилда ушбу Федерация Истеъмолчилар жамиятлари халқаро конфедерациясига айланди ва унинг таркибига собиқ Иттифоқ республикалари жумладан, Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқалар кира бошладилар. Конфедерация аъзолари Мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил қилдилар ва ҳар ярим йилда конгрессга йиғилиб туриш ҳақида келишиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, Конституциямизнинг 53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлиги кафолатланганлигини таъкидлаш жоиз, унга кўра «... давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди». Кўп ўтмай, ушбу конституциявий қоидадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни қабул қилинди ва ҳозирги кунга қадар уни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Бунинг исботи сифатида ушбу қонунга беш мартаба ўзгартиш киритилганини кўрсатиш мумкин. Лекин бу билан ушбу қонун мукамал мазмунга эга бўлди дейишга ҳали эрта.

Суд амалиёти ва ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам ҳуқуқий муаммоларнинг етарли эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасида тадқиқотлар олиб борган цивилист олим Н.С.Нарматов «Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ўз ифодасини топмаган. Шу боисдан ҳам, ушбу қонун нормаларининг мазкур йўналишини, жиҳатини ҳисобга олиб, янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир»² дея таъкидлаб ўтади.

Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги оддий мисолни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (1-моддаси)да истеъмолчига «... фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний) шахс»³, деб таъриф берилган. Ушбу тушунчанинг мазмунидан нафақат товар, иш, хизматга буюртма берган, балки шу ниятда бўлган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳам тўлиқ ҳимоя қилинади, деб тушуниш лозим. Лекин бу масалага амалий жиҳатдан ёндашсак, иш бажарувчи сифатсиз иш бажарган тақдирда етказилган зарар моддий қиймат ва шаклга эга бўлади. Шу боис зарарни қоплашни талаб қилиб, истеъмолчи ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаши мумкин. Аммо, пудратчига буюртма бериш вақтида истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилса (масалан, пудратчи оммавий оферта қилган иш, хизматни бажаришни асоссиз рад этса, яъни акцептни қабул қилмаса), бу ҳолда истеъмолчи ҳуқуқининг бузилиши ҳали моддий шаклга эга бўлмайди ва уларни тиклаш ўзига хос қийинчиликлар туғдиради. Яна бир жиҳатдан, истеъмолчи ўзининг ҳуқуқлари бузилганини исботлаши учун касса чеки ёки квитанция тақдим этиши шарт ва иш бажарувчи

¹ www.potreb.uz

² Нарматов Н.С. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — 1-сон. — Б.95.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996. — 5-6-сон.

ишни бошламасдан истеъмолчи ҳуқуқларини бузса, у ҳолда истеъмолчи на касса чеки, на квитанция тақдим эта олади. Бу эса унинг истеъмолчилик ҳуқуқларининг кафолатлари амалда тўлиқ таъминланмаганини кўрсатади.

Назаримизда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни янги босқичга кўтариш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, мамлакат аҳолисининг истеъмолчилик соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини кўтариш керак. Масалан, Россия Федерациясининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни (3-моддаси)да истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, истеъмолчилик соҳасида таълим олиш ҳуқуқини давлат таълим стандартлари, умумий таълим ва касбий таълим дастурларига киритиш, шунингдек истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида маълумот бериш тизимини ташкил этиш орқали амалга ошириш назарда тутилган¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 ноябрь қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ҳам 2003–2004 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларига дахлдор қонун ҳужжатларини ўқитиш бўйича махсус курслар жорий этилган².

Шундай бўлса-да, мамлакатимизда истеъмолчилик соҳасида ҳуқуқий билимдонликни етарли даражада деб бўлмайти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бўлимларига истеъмолчилардан келиб тушган аризалар динамикасига эътибор берсак, 2008 йилда 8169 та, 2009 йилда 6658 та ва 2010 йилнинг 9 ойида 5596 та ариза келиб тушган, яъни улар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2010 йилги мурожаатларнинг 27,7 % савдо соҳасига, 10,6 % коммунал хизмат кўрсатиш, 2,2 % соғлиқни сақлаш, 4,4 % алоқа, 3,9 % транспорт, 16,5 % газ таъминоти, 4,7 % сув таъминоти, 10,2 % электр таъминоти ва 19,8 % бошқа соҳаларга тааллуқлидир³. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, пудрат ишларида истеъмолчилик ҳуқуқлари аҳоли томонидан тўлиқ англаб етилмаган, шу билан бу борадаги норматив-ҳуқуқий база ҳам ҳали етарли даража эмас.

Иккинчидан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва таъминлаш мақсадида, бу соҳада шартнома муносабатларини ривожлантириш ёки «истеъмолчилик шартномаси» атамасини амалдаги қонунчилик ва юридик луғатга киритиш лозим. Масалан, Молдова Фуқаролик кодексига «истеъмолчилик шартномаси» атамаси мавжуд бўлиб, унга алоҳида боб ажратилган⁴. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳадаги ҳуқуқий қарашларни янги босқичга кўтаришга кўмаклашган.

Учинчидан, истеъмолчилик соҳасида бажариладиган ишларнинг сифатини назорат қилиш ва таъминлаш учун «стандартлар» ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Россия Федерациясининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунининг муқаддимасида «стандарт» тушунчаси ўз ифодасини топган⁵. Бу фикрни цивилист олим Н.С.Нарматов янада бойитиб, давлат хизматларининг стандартлари республиканинг бутун ҳудудида кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми, сифати ва шартларига кўра ягона талабларга жавоб бериши, бир сўз билан айтганда, универсаллик хусусиятига эга бўлиши кераклигини кўрсатиб ўтган⁶.

Тўртинчидан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш мақсадида баъзи норматив ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда расмий шарҳлар ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1992 йил 7 февраль қонунидан ташқари, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг қарорлари⁷ ва турли соҳаларда хизмат кўрсатиш (иш бажариш) бўйича ҳуқумат

¹ www.ozpp.ru

² www.potreb.uz

³ *Максудов Ж., Шомансурова Н.* Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришнинг асосий омиллари // Фуқаролик жамияти. — 2010. — № 3. — Б.25.

⁴ Гражданский кодекс Республики Молдова от 13 июня 2002 г. // www.cont.md

⁵ Россия Федерациясининг 1992 йил 7 февралдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни //www.ozpp.ru

⁶ *Нарматов Н.С.* Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — 1-сон. — Б.95.

⁷ Қаранг: Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 1994 йил 29 сентябрдаги 7- сонли, 1995 йил 25 мартдаги 64; 1996 йил 25 октябрдаги 10; 1997 йил 17 январдаги 2-сонли; 2000 йил 21 ноябрдаги 32; 2001 йил 10 октябрдаги 11; 2007 йил 6 февралдаги 6; 2007 йил 15 майдаги 24 -сонли қарорлари // www.ozpp.ru

томонидан қабул қилинган қоидаларда¹ қайси муносабатлар истеъмолчилик муносабатлари доирасига кириши аниқ-равшан шарҳлаб берилган. Ўзбекистонда эса истеъмолчиликнинг ҳуқуқий муносабатлари доираси бирор-бир норматив ҳужжатда аниқ ифодасини топмагани натижасида истеъмолчиликка оид қонун ҳужжатларини қўллашда баъзи муаммолар вужудга келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг пудрат шартномасига бағишланган 37-бобига эътибор қаратсак, маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномаларининг барчасида кимлар буюртмачи сифатида контрагент бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилмаган. Демак, буюртмачи сифатида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс иштирок этиши мумкин. Россиялик цивилист олим Е.А.Суханов қурилиш пудрати шартномасининг субъектлари асосан юридик шахслар ва тадбиркор жисмоний шахслар бўлиши мумкинлигини таъкидлайди². М.И.Брагинский бу масалада, қурилиш пудрати шартномаси фақатгина капитал қурилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари юзасидан юридик шахслар ёки тадбиркор жисмоний шахслар ўртасида тузилади, фуқаролар эса бу каби ишларга буюртма берганида уларнинг истеъмолчилик ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш мақсадида қонун чиқарувчи маиший пудрат шартномаси қоидалари қўлланилишини белгилаб берганлигини билдирган³.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 740-моддасининг учинчи қисмида⁴, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 651-моддасининг бешинчи қисмида⁵, Тожикистон Республикаси Фуқаролик кодекси 755-моддасининг учинчи қисмида⁶ қурилиш ишларида буюртмачи сифатида жисмоний шахс иштирок этган ҳолларда маиший пудрат шартномаси қоидалари қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Арманистон Фуқаролик кодексининг 373-моддасида эса қурилиш пудрати шартномасига таъриф берилганида фақат ташкилот буюртмачи бўлиши мумкинлиги, фуқаро учун қурилиш ишлари бажарилганида эса маиший пудрат шартномасининг қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ушбу ҳолат тўлиқ аксини топмаганлиги натижасида фуқаро қурилиш ишларига буюртма берганида истеъмолчи ҳуқуқлари инобатга олинган маиший пудрат шартномасидан фойдаланадими ёки томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципига кўпроқ риоя этилган қурилиш пудрати шартномасининг қоидалари қўлланиладими, деган савол туғилади.

Яна бир ҳолат, агар ички ишлар идораси ходими ўзи учун форма кийими тикишга буюртма берса, у ушбу кийимдан шахсий ёки оилавий эҳтиёжларида фойдаланмаслигини, балки фақатгина хизматда кийиши мумкинлигини ҳамма яхши билади. Бу ҳолда у «истеъмолчи» бўладими ёки йўқми деган савол туғилади. М.И.Брагинский бу борада ҳарбий хизматчи ательега шахсан ўзи учун форма кийимини тиктириш учун буюртма берса, «истеъмолчи» бўлишини, агарда ушбу буюртмани ҳарбий қисм берадиган бўлса, бу ҳолда нафақат истеъмолчилик муносабатлари қоидалари, ҳатто маиший пудрат қоидалари ҳам қўлланилмаслигини айтиб ўтади⁷. Яъни, Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига, истеъмолчилик шартномасига Молдова Республикаси Фуқаролик кодексига каби алоҳида боб ажратилган бўлмаса-да, лекин маиший пудрат шартномаси яққол истеъмолчилик шартномаси эканлиги аниқ таъкидлаб ўтилган.

Бешинчидан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қулай норматив ва амалий шароитларини яратиш лозим. Баъзи бир иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг истеъмолчилик соҳасидаги қонунларига эътибор қаратсак⁸, олди-сотди, йўловчи ва юк ташиш, хизмат кўрсатиш (иш бажариш), тиббий хизмат ва бошқа шартномаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фуқаро қонунда бир тизимга келтирилган нормадан ўзига тегишли бўлим, боб ёки параграфлардан фойдаланишда қийналмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

¹ Автомототранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатиш (иш бажариш) қоидалари ва бошқалар //www.ozpp.ru.

² Қаранг: Гражданское право / Отв. ред. Е. А. Суханов. — М., 2003. — С. 538.

³ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Кн. 3. Договоры о выполнении работ и оказании услуг. — М., 2000. — С. 106.

⁴ Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть II // www.ozpp.ru.

⁵ Гражданский кодекс Республики Казахстан от 1 июля 1999 г. // Казахстанская правда. — 1999. — 17 июля.

⁶ Гражданский кодекс Республики Таджикистан от 11 декабря 1999 г. // www.ozpp.ru.

⁷ Қаранг: Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Кн. 3. Договоры о выполнении работ и оказании услуг. — М., 2000. — С. 81.

⁸ Россия Федерациясининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни //www.ozpp.ru.

қилиш тўғрисида»ги қонуни эса деярли тизимга келтирилмаган, моддаларнинг аксарияти олди-сотди шартномасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш контекстида яратилган, фақатгина 19-моддаси хизмат кўрсатиш (иш бажариш)да истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган, у ҳам бўлса, пудрат шартномасидаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ифодаламайди. Жумладан, пудратчининг материалидан иш бажарилганида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, истеъмолчининг материалидан иш бажарилганида истеъмолчининг ҳуқуқларига доир, иш бажариш жараёнида уни суғурталаш каби масалалар ўз ифодасини топмаган.

Истеъмолчи ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаши ёки ҳимоя қилиши учун унга иш бажарилганини тасдиқлайдиган бирон-бир ҳужжат, масалан, касса чеки, квитанция ёки бошқа шу каби ҳужжат тақдим этиши шарт. Савол туғилади: қачон охириги марта автотранспортга техник хизмат кўрсатилганида автосервис ходими чек, квитанция ёки бошқа ҳужжатни тақдим этган? Бу каби ҳолатларни уй-рўзғор, электр жиҳозлари ҳамда ташкилий техникани таъмирлаш устахоналарида, уй-жой таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи жисмоний шахслар иш бажарганида кузатиш мумкин. Баъзи чет мамлакатларда*, касса чеки, квитанция ва бошқа расмий ҳужжатдан ташқари, ўша корхона ёки фирма билан шартномавий муносабат бўлганлигини тасдиқловчи бошқа манбалар (Масалан, фирма ёки дўкон номи ёхуд белгиси акс эттирилган маҳсулотни қадоқлаш ашёси ёки пакети) ҳам билвосита далил сифатида тан олинади. Бунинг асосий сабаби нима, деган савол туғилади.

Аввало, иш бажарувчи ишининг сифатини кафолатлайдиган, низо чиққан тақдирда эса фуқаро фойдалана олиши мумкин бўлган ҳужжатни унга бериб, ўз зиммасига ортиқча мажбурият олишни истамайди. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳам аксарият ҳолларда чек ёки квитанция беришни талаб қилмайдилар. Ушбу оддий ҳужжатни талаб қилмаслик келажакда буюртмачининг истеъмолчи сифатида деярли барча ҳуқуқларини амалга оширишида қийинчилик туғдиради.

Олтинчидан, пудрат ишлари бажарилганида, истеъмолчи нархлар шаклланиши жараёни билан бевосита таништирилиши лозим. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «Бозорларимизда товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунча кўп маротаба қўлдан-қўлга ўтиб сотилишига чек қўядиган, асосийси, ана шу ҳолатдан манфаатдорликка барҳам берадиган товар-пул муносабатларининг маърифий тизимини жорий этиш биз учун айниқса муҳимдир. Айнан шундай тизимнинг мавжуд эмаслиги бугунги кунда нархларнинг сунъий тарзда ўсиши, пировардида истеъмолчиларнинг манфаатларига путур етишига сабаб бўлмоқда»¹.

Фикримизча, нархлар шаклланишига алоҳида урғу берилишига сабаб, кўп ҳолларда нопок иш бажарувчиларнинг мақсади истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузиш эмас, балки ушбу йўл билан улардан кўпроқ моддий фойда кўришдан иборат бўлади. Шу сабабли, пудрат ишларини бажариш соҳасида уларнинг турига қараб давлат лицензия бериш органлари лицензиялар бериш вақтида иш бажарувчиларнинг ишига сифат стандарти қоидалари билан бир қаторда нархлар шаклланиши тартибига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Еттинчидан, юқорида санаб ўтилган барча ҳолларда истеъмолчининг шартномавий муносабатларда ҳуқуқлари бузилиши кўрсатилган бўлса, шартномадан ташқари ҳолларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши бирон-бир қонун ёки норматив ҳужжатда ўз аксини топмаган. Масалан, истеъмолчи буюртма бериш вақтида пудратчи корхонанинг ходими ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига шартнома мазмуни билан боғланмаган ҳолда зарар етказиши. Бундай ҳолларда ходимнинг шахсан қонуний жавобгарлигидан ташқари унинг иш берувчиси истеъмолчи олдида жавобгар бўлиши керакми ёки йўқми, деган савол ҳам ўз ечимини топиши лозим.

Демак, пудрат ишлари соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали қонунчилик асослари ва амалий механизмларини яратиш борасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур.

* Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларда, Россия Федерацияси, Украина ва бошқ. // www.ozpp.ru.

¹ *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9 – Т., 2001. – Б.84.

З. Я. Бабакаланов*

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ШАРОИТИДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Республикада амалга оширилаётган давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёнлари давлат қурилиши ва бошқаруви ҳамда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар каби ички ишлар бошқаруви соҳасида ҳам устувор йўналишларни белгилаб берди. Ушбу ислоҳотлар замирида ички ишлар соҳавий хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишда муайян натижаларга эришилди.

Тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни англатади, бу эса ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ҳамда коррупция муқаррар равишда кучаяди¹.

Бундан ташқари, бугун жаҳонда: а) ҳаётнинг глобаллашиб ва жадаллашиб бораётганлиги; б) дунё ҳамжамиятини бошқариш, халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг демократик усулларига қарши зўравонлик усулларини қўллашнинг кенгайиб бораётганлиги; в) диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучаяётганлиги; г) халқаро (трансмиллий) уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги ҳудудларда, хусусан табиий ва меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга борган сари кўпроқ уринаётганлиги; д) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши кенгайиб бораётганлиги; е) миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг тобора тезлашиб бораётганлиги ҳам жиноятчиликнинг, хусусан унинг халқаро уюшган шакллари кенг тарқалишига хизмат қилмоқда. Бундай вазиятда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз тинчлиги ва осойишталигини кўролмайдиган гараз мақсадли кучлар борлиги ҳамда уларнинг миллий қадриятларимизга, мустақиллигимизга таҳдид солишга ҳаракат қилаётганлиги ҳар бир фуқародан огоҳ бўлишни, давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан ички ишлар органларидан ўз фаолиятини янада такомиллаштириб боришини тақозо этди.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари мамлакатимиз пойтахти Тошкентда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизими замон талаблари даражасида бўлмаганлигини яққол кўрсатди.

Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, хусусан, унинг олдини олиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишни ички ишлар идоралари тизимида бошлашни: *биринчидан*, жамиятда, аҳоли турар-жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш тизимининг замон талаблари даражасида бўлмаганлиги; *иккинчидан*, аҳоли турар жойларида узлуксиз жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни кечаю кундуз таъминлашни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланганларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишни самарали амалга ошириш тизимининг ташкил этилмаганлиги; *учинчидан*, бевосита аҳоли турар жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи энг кўп сонли ва бу соҳада барча йўналишлар бўйича хизмат олиб

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедрасининг бошлиғи.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т., 1998. — Б.89.

борувчи ички ишлар идоралари турли хизматлари ўртасида самарали ҳамкорлик тизимининг ташкил этилмаганлиги; *тўртинчидан*, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идораларига ёрдам беришни хоҳлаган кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқароларни жалб этиш ҳамда улар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан Тошкентда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 1999 йил 12 апрель қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимининг хизмат фаолияти бўйича энг кўп қиррали, миқдори жиҳатдан кўп сонли, аҳоли орасида у билан ёнма-ён туриб хизмат фаолиятини олиб борувчи марказий субъект бўлган ички ишлар идоралари тизимида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Ўтган давр мобайнида бевосита ички ишлар идоралари фаолиятига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганлиги ҳам тизимда олиб борилаётган изчил ислоҳотлардан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси (2010 йил 12 ноябрь)даги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ички ишлар идоралари фаолиятига боғлиқ бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларини ҳам янгидан ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш давр талабига мос бўлишини таъкидлаб ўтди¹.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги»ги 1991 йил 25 октябрь қарори² билан Ички ишлар вазирлигининг Низоми ва таркибий тузилмаси тасдиқланган эди.

Ички ишлар идораларини ислоҳ этиш борасида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ички ишлар идоралари тизимида таркибий тузилмавий ўзгартиришлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилги қарори билан Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Йўл-ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, ИИВ тизимида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси янгидан ташкил этилди.

Юқоридаги фармон ва қарорлар талаблари асосида ҳар бир маҳаллада милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, Ички ишлар вазирлигининг энг қуйи тизими сифатида қайд этилди. Милиция таянч пунктларининг асосий вазифаси бевосита маҳаллалар ҳамда турар жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш этиб белгиланди.

Ички ишлар идораларида олиб борилаётган изчил ислоҳотларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Ушбу фармон билан Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий мақоми ва вазифалари янгидан белгилаб берилди. Мазкур фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари — махсус давлат хизмати бўлиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳамда давлат ва жамият манфаатларини жиний тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини ишончли сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.8.

² Ҳукумат қарорлари тўплами. — 1991. — 11-сон. — 36-м.

Ҳозирги кунда ички ишлар идоралари ўз фаолиятини юқорида қайд этилган қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормоқда. Лекин, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий қафолатларини яратиш учун ички ишлар идоралари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлар қабул қилиниши лозим. Зеро, ҳуқуқий муносабатлар аввало қонунлар билан тартибга солиниши лозим. Бу борада ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ички ишлар идоралари ходимлари томонидан хизмат тақозоси билан, зарур ҳолларда махсус воситалар ва қурол қўллаш ҳуқуқи, ваколатлари борки, бу ҳолатларнинг фақат қонуности ҳужжатлари ёки буйруқлар билан ҳуқуқий тартибга солинганлигини етарли деб бўлмайди.

Ички ишлар идораларининг хизмат вазифаларини тўлиқ бажаришларини таъминлаш мақсадида, Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «...фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келадиган қонунларни қабул қилиш лозим бўлади»¹.

Ички ишлар идоралари фаолиятини қонун билан тартибга солиш зарурлигини ҳуқуқшунос олимлар ҳам эътироф этишган².

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда ички ишлар идоралари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга, ҳуқуқий мақомини белгилашга, ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган «Ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонунларнинг кечиктирмасдан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар ички ишлар идоралари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган Ички ишлар идораларининг интизом низоми ва Ички ишлар идораларида хизмат кийимини кийиш низоми қабул қилинмаганлиги ҳам шахсий таркибнинг хизмат фаолиятини ташкил этишда бир қатор муаммолар келтириб чиқармоқда.

Назаримизда, ички ишлар идоралари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган ушбу таклифларнинг қонун чиқарувчи томонидан инобатга олинishi ҳамда тегишли қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ички ишлар идоралари бошқарув фаолиятини демократлаштириш ва такомиллаштиришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.14.

² Қаранг: Пулатов Ю.С., Исмоилов О. Фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш: асосий йўналишлар // Ҳуқуқ-Право-Law. — 2005. — 4-сон. — Б.48-50.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Либераллаштириш ижтимоий-фалсафий категория сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалардаги каби ҳуқуқий тизимга ҳам жадал кириб бормоқда. Бу борада, амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик ҳуқуқий давлат принципларига мослаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиб, Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, унинг барча тармоқларини либераллаштириш ижтимоий-тарихий зарурият эканлигини намоён этмоқда. Демак, ҳуқуқий соҳани либераллаштириш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги муҳим ислоҳот бўлиб, унинг бош мақсади шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Ҳуқуқий ислоҳотлар, ўз навбатида, бир неча таркибий қисмларга эга бўлиб, уларга конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотлар, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотлар, юридик таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни киритиш мумкин. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўз вазифа ва принципларига эга. Шу нуқтаи назардан суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳам ўзига хос принципларга эга бир неча йўналишларда амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Шундай қилиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш уни янада ислоҳ қилиш шароитида ҳуқуқий ислоҳотларнинг таркибий қисмини белгилаб қолмай, унинг муҳим йўналишларини ҳам ифодалайди. Шу ўринда мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг алоҳида босқичи саналган ярашув институтининг кенг жорий этилаётганлиги эътиборга моликдир.

Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ушбу институтнинг ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб киритилгандан бери самарали фаолият кўрсатаётгани, бу эса ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлаётганини ҳамда ушбу институтнинг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги алоҳида таъкидланган¹.

Таъкидлаш жоизки, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди².

Ушбу қонунга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига такрор содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи айрим маъмурий жавобгарлик нормалари либераллаштирилди. Жумладан, маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки ҳуқуқбузарлик оқибатида шунча миқдорда зарар етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди³.

Ярашув институтининг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги том маънодаги демократик жараённинг эркин кўринишидир «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги 2009 йил 3 апрель қонуни билан ярашув доирасига кирувчи жиноят турларининг кенгайтирилиши, бу институтнинг истиқболли эканидан далолат беради⁴. Янги ҳуқуқий ҳодиса сифатида томонлар ярашувининг жиноий-ҳуқуқий маконда пайдо бўлиши халқимизнинг тарихий ва маданий урф-одатлари ҳамда қадриятларидан келиб чиқади. Хусусан, Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» асарига келтирилишича, жиноят содир этган шахс жабр кўрган шахсга

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳаси раҳбарининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — Т., 2010. — Б.22-23.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001. — 9-10-сон. — 165-м.

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. — Т., 2010. — 164, 174, 176-мод.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2009. — 15-сон. — 171-м.

товон тўлагани учун жабр кўрган томон уни кечириб, қозидан (суддан) айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Товон ҳақи жазо сифатида қўлланилганидан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим деб кўрсатилган¹.

Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланган томонлар ярашуви муайян даврларда такомиллашди ва ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан асос солинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жиноят қонунчилигининг тобора либераллашуви шароитида айрим қонунбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш, маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни унификациялаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича вазифаларининг ҳал этилишини назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилган.

Назаримизда, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришнинг баъзи жиҳатларига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

1. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида самарали фаолият кўрсатаётган истиқболли институтлардан бири – ярашув институтини маъмурий қонунчиликка татбиқ этиш. Мазкур институтни маъмурий қонунчиликка татбиқ этиш заруриятини, *биринчидан*, кейинги йилларда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддалари бўйича ҳуқуқбузарлик учун санкциялар миқдори оширилгани натижасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жаримани ундириш масалаларида муаммолар юзга келаётгани², *иккинчидан*, келгусида айрим қонунбузарликларнинг жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши натижасида мазкур институтга эҳтиёж юза келиши билан изоҳлаш мумкин.

Шу боис янги таҳрирдаги Кодексад қуйидаги мазмундаги модда ўз ифодасини топмоғи лозим: **«...- модда. Жабрланувчи билан ярашиш натижасида маъмурий жавобгарликдан озод этиш**

Маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўладиган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган жисмоний шахс, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилининг талабига биноан, агар у жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган бўлса, маъмурий жавобгарликдан озод этилади».

2. Маъмурий жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни аниқлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни инвентаризация қилиш. Бу маъмурий жавобгарлик нормаларининг унификациялашувига олиб келибгина қолмай, балки маъмурий жавобгарликнинг либераллашувига ҳам имкон яратади. Ушбу фикримизни биргина норматив-ҳуқуқий ҳужжат таҳлилида асослашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги фармони³ билан тасдиқланган «Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси бериш тўғрисидаги низом» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 21 ноябрь қарори билан тартибга солинган⁴.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш учун келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, иккинчиси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш мақомига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда қонунчиликда бу ҳар икки тоифадаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бир хил талқин қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича маъмурий ҳатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) субъектлари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Ҳозирги кунда, айниқас Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномасига эга фуқаролиги бўлмаган шахсларни (қисман доимий яшаш гувоҳномасига эга МДХ давлатларидан келган чет эл фуқароларини ҳам) Ўзбекистон

¹ Қаранг: *Ражабова М.А.* Шариатда жиноят ва жазо. — Т., 1996. — Б. 132.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2005 йил 28 декабрь қонуни таҳририда //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. — 52-сон. — 384-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. — 3-сон. — 65-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. — 22-23-сон. — 259-м.

⁴ http://lex.uz/home/mj_html.winLAV?pURL=512233&pID=512233

Республикаси МЖТКнинг 225-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этишда айрим муаммолар юзага келмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-70-сон қонуни билан МЖТК 225-моддасининг биринчи қисми санкцияси энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача қилиб белгиланди¹. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларининг шу тоифадаги шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўллаш билан боғлиқ маъмурий амалиётида муаммоларни юзага келтирмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган 24 мингдан ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қарийб 10 фоизи гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтганлиги аниқланган. Улар жарималар миқдорининг юқорилиги (энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача) сабабли, хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларига мурожаат қилмаган².

Миллий қонунчилигимизнинг аксарият нормаларида доимий яшаш ҳуқуқига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига *тенглаштирилган*. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси *Меҳнат кодексининг* 14-моддаси (Ходим меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида), *Фуқаролик кодексининг* 1169-моддаси (Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати), *Уй-жой кодексининг* 2-моддаси (Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар), *Оила кодексининг* 222-моддаси (Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш), 234-моддаси (Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари), *Солиқ кодексининг* 16-моддаси (юримдик ва жисмоний шахслар), 19-модда (Резидентлар ва норезидентлар), 305-модда (Солиқ тўловчилар), *Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонуниинг* 14-моддаси (Ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи), *Таълим тўғрисидаги қонуниинг* 4-моддаси (Билим олиш ҳуқуқи), *Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуниинг* (янги таҳрири) 3-моддаси (Виждон эркинлиги ҳуқуқи), *Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуниинг* 1-моддаси (Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари), *Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги қонуниинг* 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқи), *Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуниинг* 4-моддаси (Тадбиркорлик фаолияти субъектлари), *Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонуниинг* 3-моддаси (Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳаси), *Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуниинг* 4-моддаси (Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари), *Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуниинг* 4-моддаси (Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи), *Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуниинг* 4-моддаси (Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси) ва бошқ.

Ушбу таҳлил Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради ҳамда янги таҳрирдаги Кодекс лойиҳасида доимий яшаш ҳуқуқига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан маъмурий санкцияларнинг либераллаштирилишига асос бўлиб хизмат қилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва демократлаштириш. Бу йўналишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларидан бири ҳисобланган маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатларини кўриб чиқиш, маъмурий процессуал мажбурлов чораларини қўллашда суд органлари санкцияси институтининг киритилиши ўз ифодасини топмоғи лозим. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини қўллашда фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилишнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг юқорида таклиф этилган маъмурий жавобгарлик эркинлаштирувчи нормалари, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2006. — 51–52-сон. — 498-м.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасидан олинган маълумотлар.

ҚОНУНЧИЛИК ТЕХНИКАСИНING МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, табиийки, даставвал қонунчиликда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан мукамал қонунчиликни қарор топтириш жамият ва давлат ҳаётини янгилаш ва модернизациялашда ўта муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан парламент тизими ислоҳ қилиниб, мамлакатимизда икки палатали парламент таркиб топганлиги ҳамда янги қонунчилик технологияларини жорий этиш асосида қонунларнинг сифатини ошириш вазифаси кун тартибига қўйилганлиги сабабли қонунчилик техникасининг моҳиятини пухта илмий таҳлил этиш ўта долзарб мавзуга айланди. Бу, ўз навбатида, депутатлар, сенаторлар, мутасадди идоралар, мансабдор шахслар ҳамда шу соҳада бевосита илмий изланиш олиб боровчи тадқиқотчи ва олимлар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Жумладан, янги шаклланган парламентнинг қонунчилик фаолиятини сарҳисоб қилиш, қонун ижодкорлиги сифати ва самарадорлигини ошириш, унга замонавий қонунчилик технологияларини жорий этиш фундаментал илмий ҳамда амалий тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Давлат раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек, «энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қатори қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва норматив асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юришти керак»¹.

Мамлакатимизда ижтимоий муносабатларнинг қонунлар билан тартибга солиниши даражаси тобора кенгаймоқда. Жумладан, икки палатали парламент ташкил топганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида 200 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Олий Мажлис томонидан амалга оширилган ишлар нечоғлик таҳсинга сазовор бўлмасин, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, юртимизни ривожлантириш борасида қўйилаётган ҳар бир қадам, ҳар бир босқич янги вазифаларни келтириб чиқаради ва буларнинг барчаси ўзига хос ечим талаб қилади.

Қонунчилик фаолияти ижодий ёндашув ва масъулият талаб этувчи сермашаққат жараёндир. Қонуннинг сифатли тайёрланиши унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширади ҳамда жамиятда ҳуқуқий тартибнинг мустақкам бўлишини кафолатлайди. Аксинча, қонунларда камчилик ва нуқсонлар қанча кўп бўлса, уни бузиш ва четлаб ўтиш имконияти ҳам шунча катта бўлади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 2 апрель фармонида қонун ижодкорлигининг сифати, унинг барча босқичларида эксперт баҳоларининг ролини ошириш вазифаси қўйилган². Ўзбекистон Республикасининг «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги 2006 йил 11 октябрь қонунининг 13-моддасига кўра, қонунлар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши кераклиги эътироф этилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонунчилик фаолиятига сўнгги йилларда алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонунларнинг сифатли тайёрланишида қонунчилик

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари юридик цикли бошлиги в.б., юридик фанлар номзоди.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. — Б.383.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2005. — 14-сон. — 100-м.

техникасининг аҳамияти беқийсдир. *Қонунчилик техникаси* — юридик техниканинг мустақил ва муҳим таркибий қисми бўлиб, қонунларнинг мукамаллиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш қоида, усул ва воситалари мажмуидан иборат.

Қонунчилик техникаси тушунчасини таҳлил қилишда «техника» сўзининг асл маъносига эътибор бериш лозим. «Техника» сўзи юнонча бўлиб, ўзбек тилида икки хил маънода қўлланилади: биринчиси — ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроллари — механизм, аппарат, мослама ва шу кабилар мажмуи, шунингдек уларни қўллаш, ўрганиш, такомиллаштириш соҳасидаги инсон фаолияти; иккинчиси — бирор иш ёки ҳаракатни бажариш йўллари, усуллари мажмуи, шу усулларни эгаллаганлик, маҳорат даражаси, санъат¹. «Юридик техника» ва «қонунчилик техникаси» тушунчаларида ишлатилган «техника» сўзида юқоридаги изоҳнинг иккинчи маъносини тушуниш лозим.

Юридик адабиётда қонунчилик техникасининг предмети, вазифалари, усул ва воситалари ҳақида кўп гапирилса-да, унинг моҳияти кўп ҳолларда эътибордан четда қолади. Ҳолбуки, ҳар қандай ҳодиса ва предметнинг моҳияти тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, фақат ушбу ҳолатни аниқлагандан кейингина тегишли объектга таъриф бериш мумкин. Шу жиҳатдан, қонунчилик техникасининг моҳиятини аниқлаш учун энг аввало, ўрганилаётган ҳодисанинг юридик билимлар тизимидаги ўрни, ёки бошқача айтганда, унинг амалий ёки назарий соҳага тааллуқлилиги масаласини ҳал қилиш лозим. Таъкидлаш жоизки, мазкур масалалар юзасидан юридик адабиётда турли хил ёндашувлар мавжуд. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) соф амалий; 2) соф илмий; 3) илмий-амалий (методологик)².

Бизнингча, қонунчилик техникаси масаласига илмий-амалий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулият талаб қиладиган иш ҳисобланади. Бу жараёнда кучли тафаккур ва маҳоратнинг ўзи камлик қилади, яъни илмий асосланган ҳулосалар ва амалий тажрибаларнинг уйғунлигига асослангандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Қонуннинг юридик кучи ва нуфузи, фикр ва ғояларнинг фақат халқ вакилларида олинганлиги билан белгиланмай, балки унинг ички ва ташқи томондан мукамаллиги, яъни сифати билан ҳам боғлиқдир. Бу борада машҳур юнон файласуфи Афлотун қонунларнинг мукамаллиги ва таъсир доирасига алоҳида тўхталиб: «Қонун чиқарувчилар шундай қонунлар ишлаб чиқсинларки, бу қонунлар таъсирида кишилар ўзларини жиноят содир этишдан тийсинлар», — деган. Француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескьё ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида, асосий эътиборни қонунларнинг ички мукамаллиги ва инсонларга таъсирига қаратиб, у ҳам Афлотуннинг фикрига қўшилади³.

Ижтимоий муносабатларнинг қонунлар ёрдамида мукамал тартибга солинишида қонунчилик техникасининг аҳамияти намоён бўлади. Қонунчилик техникасининг юқори даражада бўлиши қонунда ифодаланувчи ҳуқуқий норманинг ногўғри тушунилиши, турлича талқин этилиши ёки шарҳланишига йўл қўймайди, қонунчилик ҳужжати ифода шаклининг муносиб кўринишлари яратилишини таъминлайди. Натижада қонуннинг амалиётда қўллаш учун қулай бўлишига имкон яратади.

Шунингдек, қонунчилик техникаси қонун лойиҳаларининг юқори савияда ва сифатли бўлишини таъминлайди. Бу эса мазкур мамлакат қонунчилигидаги «бўшлиқ» ёки «ортиқчалик»ни аниқлашга ёрдам беради, қонунларни баъзи самара бермаётган ҳуқуқий нормалардан «тозалайди», кодекслаштириш ишларини муваффақиятли олиб боришда асосий ўрин тугади. Қонунларнинг амалиётда қўлланиши учун қулайликни оширади⁴.

Умуман, қонунчилик техникасининг икки асосий вазифаси мавжуд:

биринчиси — қонунчилик ҳужжатларининг шаклан тўғри тузилишини таъминлаш;

иккинчиси — маъно ва мазмун жиҳатидан тўғри бўлишига эришиш.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. — М., 1981. — Б.169.

² *Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А.* Қонунчилик техникаси. — Т., 2008. — Б.7.

³ Қаранг: *Монтескье Ш. Л.* О духе законов. — М., 1999. — С. 14.

⁴ Қаранг: *Кўчимов Ш. Н.* Ўзбек қонунчилик техникасининг истиқболлари // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. — Т., 2005. — Б.19.

Бу икки вазифани бажариш учун қонунчилик техникаси бир қатор тартиб-қоидаларга асосланади. Ҳар икки вазифа ҳам муҳим бўлиб, бирини иккинчисидан устунроқ қўйиш хато ҳисобланади. Бу икки вазифа ўзаро чамбарчас боғлиқ ва умумий мақсадга йўналтирилади.

Қонунчилик ҳужжатларини шаклан тўғри тузишга иккинчи даражали масала деб қараб бўлмайди. Чунки унинг ташқи кўриниши тўғридан-тўғри ички тузилиши (маъно ва мазмун жиҳати) билан боғлиқ ва қонуннинг шакли мукамал бўлмаса, уни қўллаш қийинлашади.

Қонуннинг ташқи тузилишини унинг номланиши, муқаддимаси, бўлим, модда ва қисмларида кўрадиган бўлсак, ички тузилиши қонундаги жумлаларнинг мантиқан тўғри тузилганлиги, юридик конструкция ва лингвистика қоидаларига асосланганлигида намоён бўлади. Бу каби масалаларнинг барчаси қонунчилик техникаси қоидалари орқали мувофиқлаштирилади, яъни қонунчилик техникаси қонун лойиҳаларининг ташқи ва ички тузилиши узвий ва мукамал бўлишини таъминлайди.

Қонун нормаларини маъно ва мазмун жиҳатдан тўғри ишлаб чиқишда қонунчилик техникасининг қўйидаги қоидаларига асосланиш лозим:

- қонун нормаларида имкон қадар мавҳум тушунчаларга йўл қўймаслик;
- тартибга солиниши назарда тутилаётган ижтимоий муносабатларни қонун нормаси тўлиқ қамраб олишига эришиш, яъни қонун нормасида бўшлиқ бўлмаслиги;
- мукамал юридик конструкция ҳосил қилиш;
- қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг мантиқий ва изчил бўлишини таъминлаш;
- нормалардаги талаб, қоида ва ҳар қандай тушунчанинг имкон қадар содда ва ҳаммага тушунарли бўлишига эришиш;
- қонун матнининг неча марта, ким томонидан ўқилишдан қатъи назар, бир хил тушунилишини таъминлаш;
- қонунчилик ҳужжатларида муқобил ва ҳавола этувчи нормаларни тўғри ҳосил қилиш;
- тилшунослик қоидаларига тўлиқ амал қилиш;
- қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг ғоявий жиҳатдан тўғри бўлишига эришиш;
- қонун нормасида ва умуман ҳуқуқ тизимида зиддиятларга йўл қўймаслик;
- сўз ва жумлаларни ҳис-ҳаяжондан холи қилиш.

Мазкур қоида ва талаблар нафақат қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, балки амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳам муҳимдир.

Хуллас, қонунчилик техникаси кенг доирадаги фалсафий қонуниятларга асосланиб, турли фанларнинг методларидан унумли фойдаланган ҳолда ўзига хос махсус методологик асосга эгадир. У жамият ва табиат қонуниятларини билишни, ижтимоий ва аниқ фанларнинг уйғунлашувини тақозо этади. Чунки қонунчилик ҳужжати ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир этади ва шу боис мавҳум, тушунарсиз бўлиши асло мумкин эмас. Аксинча, қонун доимо аниқ, илмий асосланган, воқеликка мос ва самарали бўлмоғи лозим.

*Р. Кабулов**,
*И. Фазилов***

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ

Конституция Республики Узбекистан предоставляет всем гражданам Узбекистана широкие политические, социально-экономические, трудовые и иные демократические права и свободы. В ст.13 Конституции говорится, что человек, его права и свободы являются высшей ценностью, а признание, соблюдение и защита прав и свобод человека и гражданина — обязанность государства. Президент И. А. Каримов в докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 ноября 2010 г. подчеркнул, что одним из ключевых приоритетов демократического обновления страны является последовательная демократизация, либерализация судебной-правовой системы, направленная на обеспечение верховенства закона, законности, надежную защиту прав и интересов личности, говоря коротко — формирование правового государства и правосознания народа¹. Таким образом, можно констатировать, что права и свободы человека и гражданина находятся в центре внимания главы нашего государства, охраняются нормами Конституции, всех отраслей права, в том числе и уголовного.

Одним из преступлений, посягающих на права и свободы личности, является такое общественно опасное деяние, как торговля людьми. Ответственность за подобные деяния предусмотрена в международном праве, а именно в Конвенции о борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами, одобренной резолюцией 317 (IV) Генеральной Ассамблеи ООН от 2 декабря 1949 г. и вступившей в силу 25 июля 1951 г. Наша страна присоединилась к данной Конвенции 12 декабря 2003 г. в соответствии с Постановлением №576-11 Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Свидетельством выполнения Узбекистаном обязательств, вытекающих из приведенного международно-правового акта, является принятие Закона Республики Узбекистан «О противодействии торговле людьми» и установление в специальной уголовно-правовой норме ответственности за торговлю людьми (ст. 135 УК). Упомянутые законы содержат эффективные меры борьбы с торговлей людьми, ограждающие законопослушных граждан от преступных посягательств на их законные права и свободы, и способствуют предупредительно-профилактическому воздействию против такого рода преступлений.

Правоохранительные органы в последние годы заметно усилили борьбу с торговлей людьми. Однако нельзя сказать, что преступная деятельность лиц, занимающихся торговлей людьми, у нас в стране вовсе прекратилась. Следует отметить, что хотя рассматриваемое преступление в общей массе преступности занимает незначительное место, вызывает тревогу то обстоятельство, что оно имеет тенденцию к увеличению. Так, если в 2000-2003 гг. были зарегистрированы единичные случаи торговли людьми², то только за 9 месяцев 2008 г. количество этих преступлений возросло до 436 случаев. К уголовной ответственности по ст. 135 УК за указанный период времени привлечены 339 человек. Демографический состав лиц, привлеченных к уголовной ответственности по данной статье УК, следующий: 203 (59,88%) — мужчины, 136 (40,12 %) — женщины³.

* Начальник кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.

** Стажер-исследователь-соискатель отдела подготовки научно-педагогических кадров Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: *Каримов И.А.* Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

² См.: *Кабулов Р., Гулямов З.Х. ва бошқ.* Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни тергов ва квалификация қилиш. — Т., 2005. — Б.5-6.

³ См. подробнее: *Қодиров Р.* Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — 2008. — №5. — Б.2.

По оценкам ООН, ежегодно более четырех миллионов людей во всем мире переправляются через границы государств для подневольного труда. Поэтому, согласно Конвенции ООН против транснациональной организованной преступности от 15 ноября 2000 г., торговля людьми признается одним из основных направлений деятельности международной организованной преступности, мировой доход от которой оценивается миллиардами долларов США, что сравнимо лишь с торговлей оружием и наркобизнесом. К примеру, доходы современных рабовладельцев только от продажи невольников составляют 7 млрд. долларов в год¹.

Эффективность борьбы с преступлениями подобного рода во многом зависит от верной, безошибочной квалификации содеянного, а это, в свою очередь, невозможно без глубокого и всестороннего юридического анализа положений уголовно-правовой нормы, предусматривающей ответственность за торговлю людьми. Вместе с тем анализ судебной практики показывает, что среди работников правоохранительных органов нет единого понимания содержания конструктивных признаков состава торговли людьми, и, соответственно, у них возникают сложности при квалификации и расследовании такого общественно опасного деяния.

В современном уголовном законодательстве Республики Узбекистан выделяется четыре вида объекта преступного посягательства — общий, родовой, видовой и непосредственный.

Родовым объектом рассматриваемого преступления, который отражает сравнительный характер общественной опасности той или иной группы преступлений, посягающей на общественные отношения, выступают общественные отношения, обеспечивающие безопасность личности.

Преступление, предусмотренное ст. 135 УК, является деянием, при котором виновный стремится эксплуатировать завербованного или приобретенного для выполнения определенной деятельности, в том числе сексуального характера, в результате чего потерпевший лишается права на свободный выбор вида деятельности и свободу передвижения. Исходя из этого, *видовым объектом* рассматриваемого преступления выступают общественные отношения, содержание которых составляет право на свободу, честь и достоинство личности, а *непосредственным объектом* — личная свобода человека как совокупность общественных отношений, направленных на защиту самостоятельного определения личностью своей дальнейшей деятельности. Свобода в этом аспекте понимается в узком смысле как возможность физического перемещения, определения своего места жительства, нахождения.

Дополнительным объектом рассматриваемого преступления могут выступать общественные отношения, направленные на охрану жизни и здоровья личности, порядка пересечения государственной границы Республики Узбекистан, нормальной деятельности органов власти, управления и общественных объединений, нормального нравственного, психологического и физического развития несовершеннолетнего и т.п.

С вопросом об объекте преступления тесно связан вопрос о *потерпевшем*, который выступает как участник (субъект) общественного отношения. В качестве потерпевшего закон называет *людей*, под которыми применительно к ст. 135 УК следует понимать одного или несколько человек. Следовательно, для квалификации деяния лица по ст. 135 УК не имеет значения пол, возраст и количество людей. Виктимологические последствия торговли людьми за 9 месяцев 2008 г. повлияли на 1449 человек, ставших потерпевшими от данного общественно опасного деяния. Из них 1283 — мужчины, 166 женщин и 28 несовершеннолетних². Толкование диспозиции ст. 135 УК позволяет утверждать, что к потерпевшим законодатель относит как граждан Республики Узбекистан, так и иностранных граждан и лиц без гражданства.

Под объективной стороной состава преступления понимается совокупность признаков, характеризующих внешний акт общественно опасного посягательства и вызванные им вредные изменения в окружающем мире. Без анализа объективной стороны преступления невозможно прийти к выводу о наличии или отсутствии в деянии лица состава преступления. С *объективной стороны* состав торговли людьми выражается в совершении разнообразных действий по купле-продаже человека либо его вербовке, перевозке, передаче, укрывательству или получению в целях его эксплуатации.

¹ См. подробнее: *Ражабова М.* Одам савдосига қарши қураш: ҳуқуқий асослар мустақамланди // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. — 2008. — №2. — Б.2-4.

² См.: *Қодиров Р.* Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — 2008. — №5. — Б.3.

Под *куплей* человека понимается его приобретение за определенную плату, а под *продажей* соответственно передача в распоряжение других лиц. Понятие купли-продажи определено в ст. 386 ГК.

Вербовка представляет собой деятельность по найму людей и может выражаться в подборе, поиске кандидатов, агитации, записи желающих и т.д.

Перевозка означает перемещение человека из одного места в другое любым видом транспорта. Дальность перемещения для квалификации значения не имеет. Перевозка может осуществляться как самим продавцом за отдельную плату, так и покупателем, который самостоятельно может доставить потерпевшего. Следовательно, перевозка входит в понятие купли-продажи. Однако можно предположить, что потерпевших могут перевозить вербовщики с целью последующей продажи или эксплуатации. В этом случае перевозка выступает самостоятельным действием, влекущим уголовно-правовые последствия. Это означает, что перевозка имеет две ипостаси: с одной стороны – это часть договора купли-продажи, с другой – самостоятельное деяние, за которое отдельно предусмотрена уголовная ответственность.

Передача предполагает действия, заключающиеся в предоставлении другим лицам потерпевшего после его купли-продажи самим покупателем, например, для временного размещения и проживания, использования, продажи и т.д. Передача может быть осуществлена и в виде дарения, в счет возмещения долга, ренты и т.п.

Укрывательство предполагает сокрытие потерпевшего при совершении указанных в законе действий. Оно может быть выражено в предоставлении жилища и иного места для сокрытия потерпевшего, например, содержание человека в подвале дома после его получения.

Получение человека означает совершение действий, носящих ответный характер передаче.

Состав преступления является формальным. Преступление считается оконченным с момента фактической купли-продажи человека либо с момента совершения других запрещенных действий.

Таким образом, анализ объективной стороны состава торговли людьми позволяет констатировать, что законодатель называет несколько форм действий, фактически не связанных между собой, и в силу этого имеющих различное толкование. Такое положение недопустимо для характеристики преступного посягательства в рамках основного состава, что требует определенной корректировки диспозиции ч. 1 ст. 135 УК. В этой связи нам представляется, что торговля людьми может быть определена следующим образом: *«Торговля людьми, то есть купля-продажа человека либо совершение в отношении человека иных сделок в форме его передачи и завладения им, а равно его вербовка, перевозка, передача, укрывательство или получение в целях эксплуатации»*. Думается, что если законодатель воспримет указанную формулировку понятия торговли людьми и внесет соответствующие коррективы в диспозицию ч. 1 ст. 135 УК, то это значительно облегчит понимание правоприменителем юридической природы состава данного преступления, что, несомненно, будет способствовать правильной квалификации содеянного.

Субъективная сторона торговли людьми характеризуется умышленной формой вины в виде прямого умысла. Лицо сознает общественно-опасный характер совершаемых деяний в отношении потерпевшего и желает осуществлять эти действия. В отдельных случаях имеет место сочетание умышленной и неосторожной вины, т.е. речь идет о совершении преступления со сложной виной (ст. 23 УК), где в отношении совершенной купли-продажи, вербовки, перевозки, передачи, укрывательства или получения человека у виновного лица имеется прямой умысел, а в отношении смерти или иных тяжких последствий – неосторожная форма вины (п. «б» ч. 3 ст. 135 УК). С учетом этого, когда виновное лицо в торговле людьми к указанным последствиям относится умышленно, содеянное надлежит квалифицировать дополнительно по статьям, предусматривающим ответственность за преступления против жизни и здоровья человека, т.е. квалификация преступления в этих случаях осуществляется по правилам совокупности преступлений.

Обязательным признаком субъективной стороны рассматриваемого преступления является наличие цели – эксплуатация человека. Следовательно, отсутствие такой цели у виновного лица не образует состава данного преступления. В соответствии с Разделом восьмым «Правовое значение терминов» Особенной части УК под *эксплуатацией* людей понимается «эксплуатация проституции других лиц или другие формы сексуальной эксплуатации, принудительный труд или услуги, рабство или обычай, сходные с рабством, подневольное состояние либо изъятие органов или тканей человека».

Мотив преступного поведения не предусмотрен законодателем в диспозиции статьи уголовного закона, устанавливающей ответственность за это преступление, в силу чего он не является

обязательным признаком субъективной стороны данного преступления и не влияет на квалификацию содеянного.

В рассматриваемом составе *субъектом* преступления выступает физическое вменяемое лицо, достигшее 16-летнего возраста. До достижения указанного возраста лицо не может осознавать характер и степень общественной опасности совершаемых действий. Наиболее сложным является вопрос об ответственности посредственного исполнителя, который совершает преступление посредством использования других лиц, не подлежащих уголовной ответственности в силу возраста, невменяемости или других обстоятельств. Посредственное причинение вреда представляет собой своеобразный способ выполнения объективной стороны состава, при котором в качестве средства преступления используется человек. По общему правилу квалификации преступлений посредственный исполнитель несет ответственность как исполнитель преступления.

В ч. 2 ст. 135 УК предусмотрена повышенная ответственность за торговлю людьми, если это деяние совершается: а) путем похищения, применения насилия или угрозы его применения либо других форм принуждения; б) в отношении двух или более лиц; в) в отношении лица, заведомо для виновного находившегося в беспомощном состоянии; г) в отношении лица, находящегося в материальной или иной зависимости от виновного; д) повторно или опасным рецидивистом; е) по предварительному сговору группой лиц; ж) с использованием служебного положения; з) с перемещением потерпевшего через государственную границу Республики Узбекистан или с незаконным удержанием его за границей; и) с использованием поддельных документов, а равно с изъятием, сокрытием либо уничтожением документов, удостоверяющих личность потерпевшего; к) с целью получения трансплантата.

Торговля людьми *путем похищения* человека характеризуется тайным, открытым либо с помощью обмана его завладением, а также изъятием и перемещением человека с места постоянного или временного его пребывания либо удержанием человека с лишением его свободы вопреки его воле. Способы похищения могут быть самыми разнообразными, но каждому из них должно предшествовать изъятие человека из естественной для него микросреды. В результате похищения человек лишается возможности передвигаться по своему усмотрению. Время пребывания потерпевшего в таком состоянии не имеет значения для квалификации содеянного.

Применение насилия или угрозы его применения либо других форм принуждения предполагает как фактическое причинение потерпевшему тяжкого, средней тяжести, легкого телесного повреждения, нанесение побоев или совершение иных действий, носящих характер истязания, так и угрозу причинения такого вреда. Угроза должна быть действительной и реальной. В тех случаях, когда торговля людьми совершается путем похищения, применения насилия или угрозы его применения либо других форм принуждения, действия виновного лица, при отсутствии других квалифицирующих признаков состава данного преступления, надлежит квалифицировать только по п. «а» ч. 2 ст. 135 УК.

Торговля людьми в отношении двух или более лиц характеризуется совершением незаконных действий в отношении как минимум двух лиц одновременно или при незначительном промежутке во времени, но при наличии единого умысла у виновного на это.

Квалифицируя деяние виновного как совершенного *в отношении лица, заведомо для виновного находившегося в беспомощном состоянии*, правоприменительные органы должны установить и доказать, что виновный осознавал факт использования беспомощного состояния потерпевшего, поскольку законодатель говорит о беспомощности жертвы, которая должна быть заведомой, т.е. достоверно известна виновному.

Судебная практика под беспомощным состоянием понимает состояние, при котором потерпевший не может понимать характера и значения совершаемых с ним действий (малолетство, физические или психические недостатки, иное болезненное или бессознательное состояние) или не может оказать сопротивление виновному, защитить себя от посягательства, осуществить свое право на необходимую оборону¹. При этом не имеет значения, привел ли потерпевшего в такое состояние сам виновный (алкоголь, наркотики, снотворное, гипноз) или потерпевший уже находился

¹ См.: Пункт 8 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» от 24 сентября 2004 г. // Сборник Постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. 1991-2006. Т.2. – Т., 2006. – С. 461.

в этом состоянии. Вместе с тем свойство и характер действия на организм лекарственных препаратов, наркотических средств, психотропных, сильнодействующих и ядовитых веществ могут быть установлены соответствующим экспертом, заключение которого необходимо учитывать при правовой оценке действий виновного.

Торговля людьми *в отношении лица, находящегося в материальной или иной зависимости* от виновного, характеризуется тем, что незаконные сделки совершаются в отношении потерпевшего, который находится на иждивении виновного и, используя такое состояние, он облегчает совершение преступления. Например, виновный требует вернуть ранее переданное потерпевшему имущество, отказывается предоставлять жилплощадь и т.п.

Иная зависимость — это зависимость нематериального характера, складывается она из фактических отношений, сложившихся между потерпевшим и виновным (например, оказание помощи в учебе).

Повторность применительно к данному составу преступления предполагает совершение лицом двух или более юридически тождественных преступлений, за которые оно ранее не осуждалось. Торговля людьми не может квалифицироваться как повторное, если к моменту совершения второго преступления истекли сроки давности привлечения к уголовной ответственности за ранее совершенное преступление.

Квалифицируя деяние виновного как совершенное *опасным рецидивистом*, правоприменительные органы обязаны предъявить ему обвинение с учетом этого признака. Так, лицо, ранее судимое за торговлю людьми по ч. 1 ст. 135 УК и вновь совершившее тождественное деяние, должно понести ответственность уже по п. «д» ч. 2 ст. 135 УК (торговля людьми, совершенная опасным рецидивистом).

Преступление не может квалифицироваться по признаку опасного рецидива, если судимость за ранее совершенное умышленное тождественное преступление снята с виновного в порядке амнистии или помилования, либо погашена или снята в установленном законом порядке, а также если к моменту его осуществления истекли сроки давности исполнения наказания¹.

Под торговлей людьми, совершенной *по предварительному сговору группой лиц*, следует понимать такое преступление, в совершении которого участвовало два или более лица, предварительно, т.е. до начала его осуществления, договорившихся о совместном его выполнении.

При квалификации действий виновных как совершенных по предварительному сговору группой лиц необходимо, чтобы все соучастники принимали участие в совершении рассматриваемого преступления, при этом не обязательно, чтобы все соучастники совершали одинаковые действия. Достаточно, чтобы каждый из них выполнил какую-либо одну функцию. Например, одни из соучастников могут выступать в качестве подстрекателей, другие же совершают первоначальные действия, связанные с вербовкой или перевозкой людей, а третьи непосредственно выполняют действия, связанные с их продажей.

Под *использованием служебного положения* следует понимать совершение указанных в законе действий должностным или иным лицом, использующим свое служебное положение.

Перемещение потерпевшего через государственную границу Республики Узбекистан означает ее фактическое пересечение и может осуществляться как с использованием обмана, введения в заблуждение потерпевшего в отношении целей вывоза, так и с применением насилия или угрозы его применения. В случае незаконного пересечения границы необходима дополнительная квалификация по ст. 223 УК, предусматривающей ответственность за незаконный выезд за границу или незаконный въезд в Республику Узбекистан.

Незаконное удержание потерпевшего за границей означает лишение его возможности реального возвращения на территорию Узбекистана или обращения к представителям посольства либо консульства Республики Узбекистан, установления с ними контактов.

Использование поддельных документов означает их официальное предъявление субъектом с целью сокрытия совершаемых действий по торговле людьми. Под *изъятием* документов следует

¹ См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О практике назначения судами уголовного наказания» от 3 февраля 2006 г. // Сборник Постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. 1991-2006. Т.2. — Т., 2006. — С. 493-494.

понимать незаконное лишение потерпевшего его документов, удостоверяющих его личность. *Соккрытие* документов означает их незаконное удержание, хранение субъектом.

Уничтожение документов, удостоверяющих личность потерпевшего, означает их фактическую ликвидацию, делающую невозможным идентификацию человека по ним.

Торговля людьми *в целях трансплантата* характеризуется сознанием виновного того, что потерпевший будет использован в качестве донора и желанием совершить в отношении его незаконные действия именно в этих целях. Если же факт использования потерпевшего в качестве донора сознанием виновного не охватывается, то квалификация содеянного по п. «к» ч. 2 ст. 135 УК не допустима.

В ч. 3 ст. 135 УК предусмотрены особо квалифицирующие признаки данного состава преступления, к числу которых относятся действия: а) совершенные в отношении лица, заведомо для виновного не достигшего восемнадцати лет; б) повлекшие смерть потерпевшего или иные тяжкие последствия; в) совершенные особо опасным рецидивистом; г) совершенные организованной группой или в ее интересах.

Существенно повышающими ответственность за торговлю людьми является совершение этих действий в отношении потерпевшего, *не достигшего восемнадцати лет*. В соответствии со ст. 22 ГК, лицо, не достигшее возраста восемнадцати лет, признается несовершеннолетним. Следовательно, при квалификации торговли людьми, совершенной в отношении такого лица, необходимо установить, что потерпевшее лицо в момент совершения преступления является несовершеннолетним, что и должно охватываться в обязательном порядке сознанием виновного.

Торговлю людьми, *повлекшую смерть потерпевшего или иные тяжкие последствия*, следует признавать особо квалифицирующим признаком, если в процессе преступления потерпевшему причиняется смерть (например, в результате нечеловеческих условий содержания, отказа в предоставлении медицинской помощи и т.д.). Под иными тяжкими последствиями следует понимать, например, причинение в крупных размерах материального вреда, самоубийство или покушение на него, смерть близких лиц, тяжкое заболевание. К смерти и тяжким последствиям, как указывалось, вина у преступника должна быть только в форме неосторожности.

Для квалификации торговли людьми по признаку совершения его *особо опасным рецидивистом* необходимо, чтобы виновный в торговле людьми до его совершения был признан судом особо опасным рецидивистом.

Торговля людьми, совершенная опасным или особо опасным рецидивистом, свидетельствует о повышенной общественной опасности конкретного лица, поэтому, если отдельные соучастники являются таковыми, вменять в вину это обстоятельство другим лицам, принимавшим участие в совершении данного преступления, но не обладающего им, недопустимо.

Торговля людьми, совершенная *организованной группой или в ее интересах*, означает, что рассматриваемое преступление осуществлено устойчивой группой лиц, заранее объединившихся для торговли людьми (либо для совершения иных преступлений) или в ее интересах. Участники организованной группы независимо от их роли и степени участия в торговле людьми отвечают как соисполнители лишь по п. «г» ч. 3 ст. 135 УК без ссылки на ст. 29 УК.

Завершая рассмотрение содержания конструктивных признаков состава преступления торговли людьми, необходимо отметить, что единообразное понимание их смысла следственно-судебными работниками безусловно создает условия для выполнения задач уголовного права и процесса, соблюдения законности в правоприменительной деятельности, защиты прав и свобод человека.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА «ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ҳамда олий қадрият ҳисобланиши ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ноқонуний чекланишининг олдини олиш, уни шахсий ҳаётига асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлик, шунингдек, одил судловга эришиш ҳуқуқларини самарали таъминлаш қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишдан кўзланган мақсаддир. Қайд этиш жоизки, ушбу тартибни ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 август фармони¹ эълон қилинганидан сўнг, ушбу муаммо мутахассислар, олимлар, амалиётчи ходимлар, жамоатчилик жалб қилинган ҳолда узоқ вақт мобайнида ва кенг қўламда муҳокама қилинди, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 11 июль қонуни² билан ҳуқуқий тартибга солинди ва 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.

«Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш йўлидаги қатъий қадам бўлди³. Чунки бунда одил суд фаолияти батафсил тартибга солинган, қарор қабул қилиш тартиби аниқ баён этилган бўлиб, қабул қилинган қарорлар устидан шикоятларни кўриб чиқиш тарафлар иштирокида амалга оширилади. Бу эса муайян мансабдор шахснинг яқкабошчиликдаги ваколатига чек қўйилиши натижасида ушбу институтнинг ҳуқуқий йўналишини тубдан ўзгартирди ва жиноят судлов ишларининг оммавий мақсадларига хизмат қилиши даражасининг кўтарилишига хизмат қилди.

Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди⁴. Жумладан, 2008 йил мобайнида прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида 16610 та илтимоснома киритилган. Юқорида кўрсатилган илтимосномалардан 338 таси қондирилган, 348 таси эса рад қилинган⁵. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қаноатлантирилган илтимосномалар сони 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 19,6 фоизга камайган⁶.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. — 2005. — 9 авг.

² Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни // Улим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т., 2007. — Б.18-34.

³ Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.6.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Кадыров Р.Х. Защита прав и свобод граждан является приоритетной задачей каждого демократического государства // Народное слово. — 2009. — 6 марта.

⁶ O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida // <http://uza.uz/> Ўзбекистон ахборот агентлиги. 11.02.2011

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, қамоққа олишнинг янги тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида назарда тутилган жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичларида фуқароларнинг узвий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан суд назоратини амалга оширишнинг ҳақиқий қафолати бўлиб, жиноят процессида шахс мақомининг янада мустақамланишига олиб келади ва дастлабки тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликнинг қарор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳақидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифаларини самарали ҳал қилишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар қатори “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабес корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди»¹ деб таъкидлади.

Ушбу вазифаларнинг ижро этилиши зарурияти қонун чиқарувчи ҳокимият органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ва ҳуқуқшунос олимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда амалдаги процессуал қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар юқорида таъкидланган принциплар доирасида шакллантирилиши ва амалиётда қўлланилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг реал, ишчан механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ушбу процессуал мажбурлов чораларини қўллаш механизмида прокурорнинг муҳим ва шу билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи вазифасини бажариши эътибордан четда қолмаслиги зарур. Бунда мазкур процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани терговчи кўзгатиши ва прокурорнинг розилигини олишини белгилаш керак.

Лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома иш материаллари судга келиб тушган пайдан эътиборан 24 соатдан кечиктирмасдан судья томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ушбу процессуал мажбурлов чораларидан бирини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ва ушбу материалларни, жиноят процессининг асосий принципларига биноан, судья яқка тартибда ва ёпиқ суд мажлисларида кўриб чиқиши керак. Илтимоснома кўриб чиқиладиганида айблов томонидан прокурор ва ҳимоя томонидан ҳимоячи, шунингдек айбланувчи иштирок этиши, яъни суд мажлиси судлов ишларини кўриб чиқишнинг барча принципларига риоя қилган ҳолда ўтказилиши шарт.

Лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашга оид илтимосномани кўриб чиқиш тартиби судларда ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган шакли асосида амалга оширилиши лозим. Бунда суд мажлиси процессуал мажбурлов чорасини қўллаш имкониятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва айбланувчига нисбатан ушбу чорани қўллаш заруратини асослаб берадиган прокурорнинг ахбороти билан бошланади. Шундан сўнг айбланувчи ёхуд ҳимоячи бунинг аксини асослаб беради. Бундан

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 7.

ташқари, бошқа шахсларни ҳам эшитиш, шунингдек судга тақдим этилган материаллар тадқиқ этилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жиноят процессида томонлар тенглиги ва тортишувига асосланган судга қадар иш юрителининг янги институти, яъни суд назорати намоён бўлади. Шу билан бирга, жиноят иши терговчи томонидан тергов қилиниши ва у шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш зарурлиги тўғрисида судга қўшимча маълумотлар тақдим эта олиши сабабли терговчини судга чақиртириш тартибини ҳам жорий этиш керак.

Судья терговчи (прокурор)нинг айбланувчига уни лавозимидан четлаштириш ёки тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқаркан, энг аввало, ушбу шахсга нисбатан шу процессуал мажбурлов чорасини қўллаш нақадар зарурлигини ва асослантирилганлигини аниқлаши лозим. Агар айбланувчига нисбатан ушбу процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асослари етарли бўлмаса, унда судья процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани рад этиши лозим.

Судья айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш жараёнида илтимосномани кўриб чиққанидан сўнг: 1) процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги; 2) процессуал мажбурлов чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажримлардан бирини чиқаришни жорий этиши керак.

Жиноят ишини кўриб чиқиш натижалари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинадиган қарор турларидан фарқли ўлароқ, лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрим у эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва зудлик билан ижро этилиши керак.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидадан фарқли равишда, прокурор ёки айбланувчи, ҳимоячи томонидан апелляция тартибида эмас, балки кассация тартибида ажрим устидан шикоят қилиниши ва протест берилиши тартибини жорий этиш лозим. Чунки ЖПК 497¹-моддасининг биринчи қисмига асосан апелляция инстанцияси судлари биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим, қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширадилар, судга қадар иш юритув босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ва лавозимдан четлаштириш ҳамда тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрим эълон қилинган пайтидан кучга кириши сабабли ушбу ажрим устидан тушган протест ва шикоятлар ЖПКнинг 498, 499-моддаларига асосан кассация судлари томонидан кўриб чиқилиши тартибини жорий этиш керак.

Шу билан бирга, шахсни тиббий муассасада сақлаш муддатларини аниқ тартибга солиш ва узайтириш ҳолатларини батафсил тавсифлаш, шунингдек узайтиришнинг аниқ тартибини белгилиш керак.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш йўналишлари сифатида бугунги кунда прокурор томонидан ўтказилишига санкция бериладиган — мурдани эксгумация қилиш (ЖПК 148-м.), эксперимент (ЖПК 154-м.), тинтув (ЖПК 161-м.), олиб қўйиш (ЖПК 161-м.), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 169-м.) тергов ҳаракатларини ўтказишга судлар томонидан санкция берилиши тартибининг жорий этилишини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ишни судга қадар юритув босқичида шахс конституциявий ҳуқуқларининг чекланиши фақат судларнинг санкцияси билан амалга оширилиши тартиби жорий этилганлигининг пировард мақсади — мамлакатимизда шахснинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги каби конституциявий ҳуқуқларини чеклаш масаласини ҳал этишда адолат, холислик ва бегаразликни таъминлашдан иборатдир.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ: ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Хуқуқшунослик фани тараққиёти натижасида янгидан-янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизими ва уларни янада такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги энг устувор вазифалардан бири ижтимоий ҳимоянинг турли йўналишларини бугунги ҳуқуқий модернизация жараёнларини инobatга олган ҳолда илмий таҳлил этишдир.

Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласини ҳуқуқшунослик фани нуқтаи назаридан чуқур илмий-назарий таҳлил этиш, бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ўз касбига янада масъулият билан ёндашиши, халқига садоқат билан хизмат қилишига замин яратади.

Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш натижасида мамлакат ўз аҳолисини, фуқароларнинг алоҳида тоифаси саналган давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали мамлакат мудофаа ва хавфсизлик тизимини янада мустаҳкамлаши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш хусусида фикр юритишдан аввал унинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамияти нимадан иборатлигини билиб олиш лозим. Бунинг учун «ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий таъминот», «ижтимоий ҳимоя йўналишлари» каби тушунчаларнинг¹ моҳиятини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимоя ҳуқуқий давлат фаолиятининг энг асосий йўналишларидан биридир. Бунда давлатнинг ўз аҳолисини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши назарда тутилади.

Юридик адабиётларда ижтимоий ҳимоя тушунчаси, моҳияти ва тавсифига оид бир қатор фикрларни учратиш мумкин. «Ижтимоий ҳимоя, — дея таъриф беради М.Усмонова, — давлат ва жамият томонидан бозор муносабатларига ўтиш даврида фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошириладиган кўп қиррали фаолият бўлиб, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, турли хизматлар кўрсатиш, ишсизликдан ҳимоялашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуидан иборат»².

«Ижтимоий ҳимоя деганда, — дея қайд этади Л. Ржаницина, — инсон қаерда яшашидан, миллатидан, жинсидан, ёшидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлаш юзасидан давлат юритадиган сиёсат назарда тутилмоғи лозим»³.

Юридик нуқтаи назардан ушбу тушунчаларнинг ягона таърифини яратиш лозим. Чунки фуқаролар ижтимоий ҳимояни асл моҳиятига хос ҳолда англаш ва қўллашни билишлари керак.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда ижтимоий ҳимояга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Ижтимоий ҳимоя — аҳолининг кенг қатламларига, айниқса, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ таъминланмаган фуқароларга, уларнинг фаровон турмуш шароитини таъминлаш мақсадида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятдир.*

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати / Тузувчилар М. Х. Саидов, И.И. Насриев, З. Т. Тоҳиров, Ш. Х. Улугов. — Т., 2007. — Б.166—67.

² Усмонова М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри дис. ... автореф. — Т., 2006. — Б.10.

³ Қаранг: Ржаницина Л. С. Социальная защита: пятилетие реформ // Аналитический вестник. — 1997. — № 14. — С. 40.

Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш хусусида фикр юритганда, «ички ишлар идоралари ходими» тушунчасига эътибор қаратиш лозим. Чунки субъектни аниқлаб олиш масаланинг моҳиятини очишда алоҳида аҳамиятга эга.

А. Сатторовнинг фикрича, «Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимининг органида, бўлинмасида, ташкилоти, муассасаси, таълим муассасасида хизматда бўлган ҳамда унга белгиланган тартибда ҳарбий унвонга тенглаштирилган махсус унвон берилган Ўзбекистон фуқароси ички ишлар органларининг ходими ҳисобланади»¹.

Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш умумий ижтимоий ҳимоянинг бир йўналишидир. Афсуски, ҳозирга қадар мамлакатимизда ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш масаласи комплекс тадқиқ этилмаган.

Ички ишлар идоралари ходимлари мамлакатдаги муайян вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган давлат хизматчисидир. Республикадаги барча фуқаролар каби ички ишлар идоралари ходимлари ҳам конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга эга, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Шу муносабат билан келгусида ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқлари ва асосий мажбуриятлари билан бир қаторда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳам белгилаб берувчи „Ички ишлар идоралари тўғрисида“ги қонуннинг қабул қилиниши, *биринчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка қатъий ва оғишмай риоя қилиш, аниқ ижтимоий-ҳуқуқий кафолатга эга бўлиш; *иккинчидан*, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз кураш олиб бориш йўналишида аниқ норматив асосларга таяниб ҳаракат қилиш; *учинчидан*, муайян ижтимоий рағбатга, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиб, нуфузини кўтариш; *тўртинчидан*, хизмат сифатини ошириш ва фаолиятини янада либераллаштиришга олиб келади. Мамлакатимизда ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ўрганиш, таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий изланишлар амалга оширилиши давр тақозосидир. Айнан ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси хусусида ўзбек ҳуқуқшунослик фанида биринчи бор Д. Қ. Аҳмедов ўз мулоҳазаларини билдиради². Шунингдек, у рус тадқиқотчиси В. Петровнинг қуйидаги фикрларини келтиради: «аҳолининг ижтимоий ҳимояси» тушунчасига асосланган ҳолда, ички ишлар ходимларининг мақомини мустақамловчи норматив-ҳуқуқий базани тадқиқ этиб, «ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси» тушунчасини қуйидагича тавсифлаш мумкин: «Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида баъзи имтиёз ҳамда устуворликлар берувчи ҳуқуқий нормалар мажмуасидир»³.

Фикримизча, юқоридаги таъриф бироз баҳсли, чунки унда «ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя» нормалар мажмуаси сифатида баҳоланмоқда. Бундан ташқари, мазкур таърифда ижтимоий ҳимояга нисбатан ҳуқуқий ҳимояга кўпроқ эътибор қаратилган. Ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояни фақат ҳуқуқий асослардан иборат нормалар тизими эмас, балки муайян жараён сифатида таърифлаш тўғри бўларди. Чунки ижтимоий ҳимоя муайян ҳаракатлар (натура ва бошқа моддий ҳамда маънавий неъматлар бериш) орқали амалга ошириладиган давлат функциясининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўз навбатида, ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш уларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун шароит яратиш бериш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тегишли ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаол ҳаракат сифатида баҳоланиши лозим.

Мухтасар айтганда, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя ижтимоий таъминот учун ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни самарали татбиқ этишидир. Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-

¹ Сатторов А. Х. Инсон ҳуқуқлари назарияси ва ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари: Юрид. фан. д-ри дис. — Т., 2003. — Б.294.

² Қаранг: Аҳмедов Д. Қ. Бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари. — Т., 2006. — Б.136–137.

³ Қаранг: Петров А. П. Правовая и социальная защита сотрудников органов внутренних дел. — Хабаровск, 1995. — С. 4–5.

ҳуқуқий ҳимоялаш, бир томондан, ходимлар орасидан ижтимоий ҳимояга муҳтожларни аниқлаб, уларга режали асосда кўмак беришни (моддий-маънавий ёки натура шаклида) англатса, иккинчи томондан, мазкур жараённинг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш ва амалга оширишда намоён бўладиган давлат функциясининг бир йўналиши сифатида баҳоланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясидан фарқлаш лозим¹. Албатта, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, адвокатура ва бошқаларнинг фаолиятидаги умумий мақсад мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган бўлса-да, уларнинг хизмат тартиби ва функцияларида муайян ўзига хослик ҳамда фарқли жиҳатлар кузатилади. Масалан, прокуратура органлари ходимлари билан ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида иш вақти, ходимлар сони, фаолият йўналиши ва тури, иш ҳақи миқдори, таътилар, хизмат сафарлари билан боғлиқ бир-биридан фарқ қилувчи мезонларни кузатиш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш масаласи доимо диққат-эътибор талаб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик ижобий натижага олиб келмайди. Бу борада ўн йиллар олдин Россияда ички ишлар ходимлари ижтимоий ҳимоясига етарлича эътибор қаратилмаслиги натижасида ишга қабул қилиниб, уч йилгача ҳам ишламасдан бўшаб кетганлар жами ходимларнинг 25,5% ни ташкил этган².

Назаримизда, келгусида ички ишлар идораларида хизмат жараёни, унинг сифати ва самарадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган ҳуқуқий асоснинг яратилиши муайян молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар билан боғлиқлигини эътиборга олиб, ўз навбатида, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя соҳасида ҳам тегишли ўзгартишни амалга ошириш кераклигини тақозо этади.

Прокуратура органлари ходимлари ёки адвокатлар фаолиятида ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига нисбатан бошқачароқ ҳолат кўзга ташланади. Шу муносабат билан ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш хусусида фикр юритганда уларнинг хизмат фаолиятидаги ўзига хос жиҳатларни эътиборга олиш лозим.

Юқорида ижтимоий ҳимоя борасида ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги фарқни таҳлил этдик. Ваҳоланки, тизимда фаолият олиб бораётган бошқармалар ва бўлимлар ходимларини ижтимоий ҳимоялашда ҳам ўзига хослик мавжуд. Масалан, «Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган мансабдор шахсларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси» тушунчаси «ички ишлар идоралари ходими ҳимояси» тушунчасидан фарқ қилади. Бу ерда ҳам фарқланишдаги асосий мезон уларнинг хизмат турига бориб тақалади.

Ўзбекистон Президенти қайд этиб ўтганидек, „Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида“ги қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган¹.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *«Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимида хизматда бўлган ва белгиланган тартибда ҳарбий унвонга тенглаштирилган махсус унвон берилган ходимларни ҳаёт кечирishi ва хизмат фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган моддий-маънавий неъматлар, буюм ва*

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Беляхин В. Г.* Льготное пенсионное обеспечение и пенсии за выслугу лет. — М., 1995. — С.126; *Васин В. Н., Лобзиков В. П.* Правовая и социальная защита сотрудников ОВД // Проблемы борьбы с преступностью, охрана прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике: Сб. науч. трудов. — М., 1996. — С.53–63; *Лончаков А. П.* Правовое регулирование административной деятельности милиции общественной безопасности. — Владивосток, 1996. — С. 72; *Лончаков А.П.* Органы внутренних дел в системе субъектов административно-правовой организации государственного управления. — Хабаровск, 1989. — С.112; ва бошқ.

² Қаранг: Состояние работы с кадрами органов внутренних дел Российской Федерации за 1998 год. — М., 1999. — С. 45.

воситалар билан таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни ҳаётга самарали татбиқ этиш билан боғлиқ давлат функциясининг муҳим йўналиши ҳисобланади».

Мазкур таъриф кенг ифодаланган бўлса-да, ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ жараённи ўзида акс эттиради.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, ички ишлар идоралари ходимлари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясининг аниқ тушунчасини белгилаш, унинг мазмунини тўғри талқин этиш бу соҳада амалга ошириладиган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди, шунингдек ички ишлар идоралари ходимларини ўз вақтида, ҳуқуқ тамойилларига асосланган ҳолда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш тизим фаолиятидаги самарадорликни ошириш, мамлакатимиз сарҳадларини кўриқлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади.

• Нашрга тайёрланди •

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2011 йил 21 январь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011.

Ушбу тўпلامда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари жамланган. Унда мазкур қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари, бунда ички ишлар идоралари, прокуратура, махсус ихтисослашган ўқув-тарбия муассасалари, маҳалланинг ўрни ҳамда вазифалари билан боғлиқ долзарб муаммолар ёритилган. Шунингдек, тўпلامдан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид назарий-ҳуқуқий ва методологик масалалар, унинг процессуал жиҳатлари ҳамда бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, стажёр-тадқиқотчилар, амалиётдаги ходимлар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

¹ *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.26.

*И. А. Комтеев**

ОБЩЕСТВЕННАЯ ОПАСНОСТЬ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НАРКОТИКАМИ, И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ БОРЬБЫ С НИМИ

Наркобизнес сегодня остается одной из наиболее серьезных угроз мировому сообществу. Не секрет, что деньги, вырученные именно от торговли наркотиками, идут на финансирование террористических актов, закупку оружия для незаконных вооруженных формирований. По оценке специалистов, доход от наркоторговли оценивается в 500 млрд. долларов США в год, что составляет около 10% всего мирового товарооборота¹. Наркобароны обслуживают до 400 миллионов постоянных клиентов. Каждый год по всему миру легализуется 200 млрд. долларов, полученных от наркоторговли².

Несмотря на огромный риск, колоссальная прибыльность наркобизнеса делает его весьма привлекательным для транснациональных организованных преступных групп, террористических организаций, использующих «наркоденьги» для финансирования своих операций. Участники этого преступного бизнеса идут на все, не считаясь ни с нормами международного права, ни национальных законодательств, ни тем более с теми пагубными последствиями, которые несет «белая смерть».

По данным ООН, около 40 процентов от мирового производства наркотиков сосредоточено сегодня в воюющем Афганистане. По различным международным оценкам, главным фактором, формирующим негативные тенденции в динамике развития наркоситуации в центральноазиатском регионе, в том числе и в Узбекистане, продолжает оставаться наркопроизводство в Афганистане и поток афганского героина и опия по «Северному маршруту». «Безусловным доказательством этому служит тот факт, что только за последние пять лет правоохранными органами Узбекистана из незаконного оборота изъято 3 тонны 713 кг героина и 3 тонны 286 кг опия, произведенных в Афганистане и предназначенных для доставки в западные страны. В 2009 г. в результате предпринятых мер правоохранными органами выявлено 8901 преступление»³.

Анализ преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств или психотропных веществ, показывает, что их основная масса совершается организованными группами. Более того, определенно известно, что членами организованных преступных групп зачастую являются граждане различных государств. Так, за 2009 год по республике за совершение наркопреступлений задержано 127 иностранных граждан⁴. В связи с этим, «в плане своевременного реагирования на наркоситуацию, силы и средства правоохранных и иных органов республики направлены на выявление и пресечение деятельности организованных преступных групп, повышение эффективности межведомственного взаимодействия в борьбе с контрабандой наркотических средств и дальнейшее укрепление международного сотрудничества в этой сфере»⁵.

Организованные группы, преследуя свои интересы, устанавливают связи с преступными

* Доцент кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

¹ См.: Предупреждение, пресечение и раскрытие преступлений в сфере оборота наркотических средств и психотропных веществ. — М., 2003. — С. 8.

² См.: *Питер Лили*. Грязные деньги. Тайная правда о мировой практике отмывания денег, международной преступности и терроризме. — Ростов-на-Дону, 2005. — С. 18; *Захаров Г.С.* Легализация (отмывание) денежных средств или иного имущества, приобретенных преступным путем, и предупреждение преступлений, составляющих ее источник. — М., 2007. — С. 45.

³ Информационный бюллетень. Центральноазиатский регион. — Т., 2010, — С. 47-48.

⁴ См.: Там же. — С. 51.

⁵ Там же. — С. 53.

группами других регионов. Организованные группы стран Южной и Центральной Азии, занимающиеся изготовлением наркотиков, поставляют их в основном контрабандным путем. Организованные группы России и стран Европы занимаются переработкой и последующей перепродажей наркотиков..

Следует отметить, что преступная схема торговли наркотиками за минувшие годы существенно не изменилась. Основная масса преступлений, связанных незаконным оборотом наркотиков, совершенных в Республике Узбекистан (около 80%), имеют отношение к транзитным перевозкам наркотиков по территории страны. Наркокурьерами в основном являются граждане Узбекистана, Афганистана и Таджикистана. Например, 22 мая 2009 г. в Сырдарьинской области при проверке автомашины «Нексия» выявлено и изъято 26,3 кг опия, сокрытых в тару со стиральным порошком, принадлежащим гражданину Таджикистана - пассажиру указанной автомашины. 25 ноября 2009 г. на узбекско-афганской границе в Сурхандарьинской области задержан гражданин ИРА, переправивший через реку Амударья на самодельной резиновой лодке 36,7 кг опия и 4,7 кг гашиша¹. На территорию республики наркотики проникают на юге в Сурхандарьинскую область из Таджикистана, а также из Афганистана через реку Амударья, на юго-востоке в Самаркандскую и Сырдарьинскую области и на северо-востоке в Ферганскую долину и Ташкентскую области. Анализ задержаний наркотических средств в 2009 г. показал, что доля провозимого афганского героина и опия через Таджикистан и Кыргызстан составляет порядка 84 процентов. Остальные 16 процентов проникают напрямую из Афганистана².

Как отмечалось выше, озабоченность мирового сообщества вызывает рост производства и объемов наркотиков в Афганистане. Но бороться с ним необходимо не только за счет усиления карательных и административных мер. Эту проблему можно и нужно решать в первую очередь через глубокие структурные преобразования афганской экономики, обеспечение занятости населения мирным и созидательным трудом. Борьба с преступностью, связанной с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, не является проблемой одного государства. В этом деле необходимо совместное сотрудничество всех заинтересованных государств.

Эффективная реализация задач, связанных с обеспечением безопасного, устойчивого развития региона, может быть решена при активном участии расположенных здесь государств. Именно поэтому особое значение приобретает достижение межгосударственного взаимопонимания, формирование действенного механизма для решения общерегиональных проблем экономического, водно-энергетического, транспортно-коммуникационного, экологического характера, затрагивающих жизненно важные интересы проживающих здесь народов. Важнейшим условием обеспечения безопасности, мира, стабильного развития в регионе является сотрудничество в структурах ШОС, ОЦАС, СНГ и других организациях.

Учитывая серьезный вызов наркобизнеса национальной безопасности государств, необходимо объединить международные усилия в борьбе с этим злом, разработать совместную межгосударственную программу, предусматривающую усиление борьбы с производством, распространением и потреблением наркотиков.

В целях организации международного сотрудничества в октябре 2002 г. на заседании Совета глав государств-участниц СНГ были подписаны документы, определяющие основополагающие принципы антинаркотического взаимодействия, Концепция сотрудничества государств-участниц СНГ в противодействии незаконному обороту наркотиков (7 октября 2002 г., г. Кишинев) и Программа по борьбе с незаконным оборотом наркотиков.

Заметно активизировалось двустороннее международное сотрудничество Узбекистана с государствами Центральной Азии, Россией, Ираном, Китаем, Польшей, Италией, Пакистаном, Украиной, Грузией, Германией, Турцией, Болгарией, Латвией и другими странами. Реализуются многосторонние договоры в рамках СНГ, ШОС, Центральноазиатского регионального информационно-координационного центра (ЦАРИКЦ), ОДКБ.

¹ См.: Там же. — С. 50-51.

² См.: Там же. — С. 49.

●

Парламент Республики Узбекистан ратифицировал Единую конвенцию о наркотических средствах 1961 г., Конвенцию о психотропных веществах 1971 г. и Конвенцию о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ 1988 г. Установлено полноценное сотрудничество с Международным комитетом ООН по контролю над наркотиками (МККН ООН).

На ежегодных совещаниях участников Меморандума о договоренности относительно субрегионального сотрудничества в области контроля над наркотиками правительства Азербайджана, Казахстана, России, Таджикистана, Туркменистана и Узбекистана заявили о своей решимости принимать дальнейшие меры с целью укрепить «пояса безопасности», созданные вокруг Афганистана, для обеспечения контроля над наркотиками, положить конец поставкам прекурсоров, используемых для незаконного изготовления героина.

В целях усиления борьбы с незаконным оборотом наркотиков, выполнения международных обязательств Узбекистана в этой области Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 1996 г. было принято решение о создании Национального информационно-аналитического центра по контролю за наркотиками при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

В настоящее время, исходя из своих основных задач, Национальный центр:

— подготавливает соответствующие аналитические материалы и предложения в Кабинет Министров, Госкомиссию по вопросам наркотической ситуации, совершенствования организации борьбы с незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров как на национальном, так и международном уровнях;

— в пределах своих полномочий обеспечивает контроль за выполнением министерствами, государственными комитетами, ведомствами, общественными объединениями, организациями, предприятиями независимо от форм собственности Закона «О наркотических средствах и психотропных веществах» и Программы комплексных мер противодействия злоупотреблению наркотиками и их незаконному обороту;

— осуществляет сбор и формирование банка данных, их обобщение и всесторонний анализ, а также представление в установленном порядке соответствующей информации заинтересованным министерствам, ведомствам и организациям, в том числе и международным, по вопросам незаконного оборота наркотических средств, профилактики наркомании и контроля за наркотическими средствами, психотропными веществами и прекурсорами в республике и за ее пределами;

— подготавливает материалы к заседанию Госкомиссии, рассматривает заявки юридических лиц на ввоз, вывоз и транзит наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, осуществляет контроль и мониторинг за выполнением постановлений Госкомиссии, протокольных решений, национальных программ по борьбе с наркотиками, реализацию проектов технического сотрудничества при содействии международных организаций¹.

В целях системного и комплексного подхода к решению проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков в Узбекистане на основе использования международного опыта и поддержки соответствующих структур ООН разработана и утверждена Программа борьбы с наркоманией и наркобизнесом, определившая приоритеты общенациональной антинаркотической политики страны. В этой связи предполагается координировать силы и средства всех заинтересованных органов государственного управления и общественности на местах в целях реализации мероприятий, обозначенных в программных документах. Эти мероприятия направлены на: совершенствование законодательства в области борьбы с наркоманией и наркобизнесом; усиление контроля над оборотом наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров; развитие механизма противодействия незаконному обороту наркотиков; профилактику злоупотребления наркотиками, лечение и реабилитацию наркозависимых лиц.

Отмеченное — лишь часть проводимых в нашей стране мероприятий в области борьбы с наркоманией и наркотрафиком. В приоритетные планы Республики Узбекистан совместно с международными организациями также входят задачи по качественному усилению оперативного

¹ См.: <http://www.ncdc.uz/About.htm>

взаимодействия между правоохранительными органами республики по своевременному предупреждению и пресечению контрабанды наркотиков на территорию Узбекистана с акцентом на участки границ, пролегающие на наиболее активных маршрутах наркотрафика, продолжение и расширение практики проведения совместных оперативных мероприятий и обмена информацией с правоохранительными органами других государств, активизация взаимодействия региональных комиссий по контролю за наркотиками с органами местного самоуправления, общественными организациями и коллективами по предупреждению и пресечению незаконного культивирования наркосодержащих растений, дальнейшее совершенствование деятельности по раннему выявлению зависимых от психоактивных веществ, лечению наркозависимости с использованием комплексных медико-социальных и реабилитационных программ, совершенствование программ подготовки специалистов по наркологии, педагогических и социальных работников, расширение спектра услуг, предоставляемых в рамках программ снижения вреда, в частности психологической консультативной поддержки, услуг социальных работников, юристов.

• **Нашрга тайёрланди** •

G'iyosov Z. A., Botayev J. I.

Sud tibbiyoti va psixiatriyasi. Ikki jildli. 1-jild. Sud tibbiyoti: Darslik. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. — 146 b.

Дарсликда суд тиббиёти фани ва амалиётининг бугунги ҳолати, суд тиббиётининг мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ташкил этилган процессуал ва ташкилий фаолияти билан боғлиқ қонуний ва норматив асослари келтирилган.

Унда суд тиббиётининг асосий назарий ва амалий асослари ёритилган бўлиб, бу билимларни ўзлаштириш ИИВ Академиясининг тингловчилари учун муҳим ўрин тутди, шунингдек ундан ички ишлар органларининг ходимлари, терговчилар, ҳуқуқшунослар ва адвокатлар ҳам ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк йиллариданоқ хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 15 март қарори ички ишлар идоралари тизимида ислохотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди¹. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жинояткорона тажовузлар ва салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилаётгани, бу борада муаян натижаларга эришилаётган ва, шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлашда айрим камчиликлар мавжудлиги қайд этилган.

Ушбу қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида — *жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар тузилди*. Комиссияларга раҳбарлик қилиш ҳоким ўринбосарларидан бирига юклатилди, жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда ички ишлар идораларига кўмаклашиш учун «*Маҳалла посбони*» *жамоат тузилмалари* ташкил этилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар бирида — илгари судланган, сурункали алкоголизмга чалинган ва маиший турмушда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун оқсоқоллар, фахрийлар, аёллар ва ёшлардан, маданият ва дин вакилларидан иборат *яраштириш комиссиялари* тузилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунига (алоҳида оғир жиноятлар содир этган шахслар жазони ўтаганидан кейин улар устидан мажбурий назорат белгилашга оид) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклатилди.

Ўзбекистон Президенти Ички ишлар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислохотлар амалга оширилаётгани хусусида сўз юритиб, «ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим» деб таъкидлаб ўтган эди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидланган 1999 йил 15 март қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 1999 йил 12 апрель қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида ички ишлар идораларига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Унда жамоат хавфсизлигини таъминлаш

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлигининг ўринбосари в.б.

¹ <http://lex.uz/home>

² *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. — Т., 1999.

субъектларининг аниқ вазифалари, ваколатлари, ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тадбирлар, тегишли субъектлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан яхшилаш тадбирлари ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ушбу концепция Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш органлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ва асосларини белгилайди.

Концепцияда «жамоат хавфсизлиги» тушунчаси ва хавфсизлик объектлари, субъектлари, принциплари ўз ифодасини топмоғи лозим. Жамоат хавфсизлиги объектларига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятлари, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларига давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар киради.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳар қандай ҳодисаларга иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа чоралар тизимидан иборат жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

Жамоат хавфсизлиги объектларининг ҳимояланганлигини етарли даражада таъминлаш учун жамоат хавфсизлиги соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий чоралар тизими ишлаб чиқилади ва ушбу соҳадаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилади, шунингдек, давлатнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш органлари ташкил этилади ёки қайта ташкил этилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

- 1) қонунийлик;
- 2) шахс, жамият ва давлат манфаатларига риоя этиш;
- 3) жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги.

Назаримизда, ички ишлар идораларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда ички ишлар идораларининг фаолиятини ташкил қилиш ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарблиги боис, мукамал қонунларга эҳтиёж катта. Бугун мазкур соҳага оид қилиш қонунлар ички ишлар идораларининг бутун фаолиятини эмас, балки ундаги маълум бир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солаётгани сабабли бу йўналишда бир қатор муаммо ва зиддиятлар келиб чиқмоқда. Буни: *биринчидан*, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маълум бир идора, жамоат тузилмаси ёки ташкилот манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда фақат унинг субъектларига тааллуқли бўлиб, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган бошқа субъектларга мажбурият юкловчи ёки ваколат берувчи характерга эга бўлмаслиги; *иккинчидан*, бугунги кунда ишлаб чиқиладиган ҳамда татбиқ этиладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки бузишга шароит яратиб берувчи нормалар ҳам мавжуд эканлигида қўриш мумкин¹.

Юқоридаги муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш учун бор имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда жиноятчилик устидан самарали ижтимоий-ҳуқуқий назоратни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг бу соҳадаги фаолиятини тартибга солувчи, шу жумладан улар ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш усуллари, шакллари ҳамда механизмни белгилаб берувчи ягона «Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, тадқиқотимиз давомида

¹ Қаранг: *Мухторов Ж.С.* Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари. — Т., 2005. — Б. 324—326.

ўтказган социологик сўровда «ички ишлар идоралари фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган қандай қонун ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш керак?» деган савол билан мурожаат қилинганида, иштирокчиларнинг 10,5% мазкур қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

Ушбу қонун лойиҳасида жамиятнинг янги давр шароити, демографик, ижтимоий, иқтисодий, ғоявий, руҳий, сиёсий аҳволи эътиборга олинishi ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилмаслиги кафолатланиши билан бир қаторда, ушбу фаолиятда иштирок этувчи субъектларнинг вазифалари, жамоат тартибини сақлаш чораларининг мазмуни, уларни қўллаш шарт-шароитлари, доираси аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бунда ривожланган хорижий давлатларда тўпланган илғор тажрибаларни инобатга олиш лозим.

Фуқароларнинг жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири эканини инобатга олиб, қолаверса ички ишлар идоралари негизида уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш учун «Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давр талабидир. Мазкур қонунда: *биринчидан*, жамоатчиликнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш чоралари; *иккинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда иштирок этувчи фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар; *учинчидан*, жамоат тузилмалари аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда жамоат тузилмаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик механизми белгилаб берилиши лозим.

Бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ички ишлар идораларининг бир неча соҳавий хизматлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий база муаяйн даражда такомилга етказилган бўлса-да, жамоат тартибини сақлаш ва патруль-пост хизмати йўналишида айрим тузилмалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини тақозо этмоқда. Шундай тузилмалардан бири — маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхоналардир. Таҳлилларга кўра, ички ишлар идоралари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар тинчлигини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилатганлигига қарамай, кўча ва жамоат жойларида содир этилаётган майда безориликлар, безорилик, баданга шикаст етказиш каби ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ўсиши кузатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10дан ортиқ моддасида суд томонидан маъмурий қамоқ жазосини қўллаш белгиланган. Бугунги кунда Республикада бешта (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Наманган вилоятлари, Самарқанд вилоятида) маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхоналари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 май қарори асосида 2003 йилда «Маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхонаси тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилган, лекин ушбу масала бўйича фаолиятни белгиловчи қонуний актлар бўлмаганлиги сабабли, ишлаб чиқилган ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан Давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Бу, ўз навбатида, махсус қабулхонанинг ўз фаолиятини янада тўлиқ ва қонуний давом эттиришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирокини фаоллаштириш, шунингдек жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши

¹ Багафсил маълумот учун қаранг: *Зиёдуллаев М.З.* Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини янада такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазалар // Миллий кадрлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. — Т., 2007. — Б.232–236.

курашда жамоат бирлашмаларининг роли жуда катта. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонунда жамоат бирлашмаларининг юқоридаги масалалар бўйича нафақат ички ишлар идоралари, балки бирорта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган билан ҳамкорлиги ҳам белгиланмаган.

Мазкур қонунда жамиятнинг жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиши мумкин бўлган соҳалари, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар идоралари билан ҳамкорлигининг йўналишларини акс эттирган мазкур қонунга алоҳида боб киритиш, шунингдек жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини ўзида жамлаган бобда уларнинг мажбуриятларини ҳам ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида давр талабидан келиб чиқиб, кўпгина хизматларнинг номланиши ўзгартирилди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддасига унда кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал қилишга ваколатли бўлган ички ишлар идоралари хизматларининг номларига, улар ҳал қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тизимида янгича талаблардан келиб чиқиб ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тез-тез қўшимча ва ўзгартишлар киритилишининг олдини олиш, қолаверса, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳаётдан орқада қолмаслиги учун, уларда нафақат шаклланган, балки келгусида юзага келиши мумкин бўлган муносабатларни ҳам тартибга солишни кўзда тутиш керак¹.

Қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини таъминлаш.

Тадқиқ этиладиган фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилидан ҳозирги кунда ички ишлар идораларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини ҳуқуқий таъминловчи айрим қонуности, хусусан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги баъзи нормалар республикамиз Конституцияси ва қонунларига мувофиқ келмаслигини кузатиш мумкин. Бунга, *биринчидан*, ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида уларнинг лойиҳалари экспертизадан ўтказилмаганлиги, *иккинчидан*, қабул қилинаётган қонунларнинг кўп ҳолларда декларативлиги, яхши амал қилмаётгани боис, баъзан Конституция ва қонунларга зид ҳолда ижро ҳоқимиятининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб келаётгани сабаб бўлмоқда².

Фикримизча, ички ишлар идораларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигига эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ички ишлар идоралари фаолиятини профилактик ҳисобларсиз тасаввур қилиш қийин. Айрим мутахассис ва олимлар профилактик ҳисобга хатти-ҳаракатларида жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган шахсларга доир маълумотларни аниқлаш, қайд этиш, тўплаш ва таҳлил қилиш борасидаги чоралар тизими сифатида қараш лозимлигини таъкидлашади³. Бизнингча, профилактик ҳисоб бу тариха таъриф бериш ундаги профилактик хусусиятни акс эттирмайди. Профилактик ҳисоб у қаратилган шахсга нисбатан аниқ профилактик чораларни қўллашда ўз аксини топиши билан аҳамиятлидир.

¹ Қаранг: *Муҳамедов Ў. Қ.* Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2001. – 3-сон. – Б. 85.

² Қаранг: *Рузметов Х. И.* Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий фан ютуқларидан фойдаланиш тўғрисида // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2003. – 3-сон. – Б. 29.

³ *Пулатов Ю., Исмоилов О.* Фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш: асосий йўналишлар // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2005. – 4-сон. – Б. 49.

Бугунги кунда профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилаётган маъмурий назорат, шунингдек гиёҳвандлар ва сурункали ичкиликбозликка мубтало бўлганларни мажбурий давола-нишга юбориш суд қарори асосида амалга оширилиб, тегишли қонунлар билан тартибга солинаётган бўлса-да, профилактика (катта) инспекторларининг хизмат фаолияти бўйича йўриқномада кўрсатилган профилактик ҳисобларнинг қолганлари, жумладан оила-турмуш муносабатлари доирасида мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчилар, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ҳамда фарзанди тарбияси билан шуғулланмайдиган ёки ўзларининг жамиятга зид хулқ-атвори билан уларга салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналар ва «хавfli гуруҳ»га кирувчиларга нисбатан ўрнатиладиган ҳисоблар ҳозирги кунда қонун билан белгиланмай, суднинг қарорисиз олиб борилмоқда.

Психологик тайёргарлик ходимнинг касб маҳоратини кескин оширади. Илмий тадқиқотлар ва мавжуд ижобий тажриба профессионал таълим тизимига психологик тайёргарликни мақсадга йўналган тарзда ошириб боришнинг махсус вазифалари, шакл ва усулларини киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда психологик тайёргарлик – ички ишлар идоралари касб тайёргарлигининг муҳим таркибий қисмидир. «Шахсий таркиб сифати унинг касбий маҳорати даражаси, ахлоқий-руҳий даражаси, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади»¹.

Ички ишлар идоралари ходимларининг психологик тайёргарлиги ходимларга оператив хизмат вазифаларини муваффақиятли ва самарали бажариш учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш, ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича махсус ташкил этилган мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Психологик тайёргарлик хизмат фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ. Шунга кўра, унинг мазмуни аниқ ифодаланган касбий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

Ходимлар психологик тайёргарлигининг мазмунига қуйидагиларни киритиш мумкин: жиноятчиликка қарши курашга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш хислатларини шакллантириш; махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш; касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш; турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқув ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш; оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини таъминлаш; фуқаролар билан мулоқотга киришишнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик-педагогик усулларини қўллаш маҳоратини шакллантириш; оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш ва психологик барқарорликни таъминлаш; шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш; иродавий фаолликни ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш; ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлаш.

Жиноятчиликка қарши курашда психологик жиҳатдан тайёрлаш. Маълумки, бу психологик тайёргарликдаги энг муҳим жиҳатдир. Бу ўринда асосийси ходимларнинг касбий йўналганлигини шакллантириш, уларда фаолиятга нисбатан барқарор касбий қизиқишни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, бу тайёргарлик ходимларда ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан мурасасизлик, ҳуқуқий нормаларни сўзсиз бажаришдан иборат барқарор одатни, кучли ривожланган ҳақиқат, адолат ва қонунийлик ҳиссини шакллантиришни тақозо этади.

Махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш. Бу ходимларни психология асослари билан таништириш, уларда иш жараёнида одамлар, гуруҳлар психологиясини инобатга олиш кўникмалари ва одатларини шакллантиришни тақозо этади. Оператив хизмат фаолиятининг психологик жиҳатларини тушуниш ходимларнинг ўтказиладиган тергов, оператив қидирув ва бошқа ҳаракатлардаги психологик хусусиятларни билишлари ва ҳисобга олишларини назарда тутати.

Касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш. Ушбу хислатлар ходимлар билиш фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Билиш фаолиятига касбий зийраклик, идрок, қузатувчанлик, хотира, тафаккур ва тасаввур хосдир. Ушбу хислатларни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1998. — Б.128.

ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар ходимларнинг касбий жиҳатдан муҳим маълумотларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш самарадорлигини ошириш қоидаларини, мантиқий фикрлаш ва ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг асосий усуллари ва уларга доир билимларни эгаллашларига йўналтирилган.

Турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқув-маҳорати ҳамда кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш. Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини турли тоифадаги фуқаролар (жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, махсус ҳисобда турганлар ва ҳ.к.) билан доимий мулоқотда бўлишсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Олинадиган оператив муҳим ахборотнинг сифати ходимларнинг улар билан муомала қилиш, психологик алоқа ўрнатиш, ишончли муносабатга киришиш қобилиятига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, бутун фаолиятнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Психологик тайёргарлик давомида ходимлар психологик алоқа ўрнатиш усуллари ва йўллари тизимини эгаллашлари керак. Уларда нотаниш кишилар билан тезда алоқа ўрнатиш ва уларни ўзига мойил қилиш, одамларнинг фикрини эшита олиш, мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни енга олиш маҳорати шаклланиши лозим. Психологик тайёргарлик ходимларнинг психологик алоқа ўрнатиш жараёнини енгиллаштиришга имкон берувчи муайян қоидаларни ўзлаштиришларини тақозо этади.

Оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳоратини ташкил қилувчи муҳим таркибий қисмлардан бири жиноятларни очиш ёки уларнинг олдини олиш учун зарур ахборотни олиш мақсадида фойдаланиладиган ролга кириш кўникмаларидир. Шу боис психологик тайёргарлик давомида ходимлар ўзларининг ички ишлар идоралари ходими эканликларини, ҳақиқий ҳолатларни, мулоқотга киришишдан кўзлаган мақсадларини ниқоблай олиш маҳоратини шакллантиришлари керак.

Фуқаролар билан мулоқотга киришишнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишининг психологик-педагогик усуллари қўллаш маҳоратини шакллантириш. Фуқаролар билан муомала қилиш жараёнида юзга келадиган низоли вазиятлар ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида одатий ҳолдир. Шу боис ходимларда низоли вазиятни бартараф этиш маҳоратини шакллантириш, уларга низоларни ҳал қилиш усулларини ўргатиш жуда муҳим. Ходимлар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан одамларга психологик таъсир кўрсатишнинг ишонтириш, мажбурлаш, рағбатлантириш сингари муайян усулларидан моҳирлик билан фойдаланишларига боғлиқ. Ходимларда низоли вазиятда ўзини тутишнинг турли тактик усуллари қўллаш ҳамда низоли вазиятдан оператив мақсадда фойдаланиш кўникмалари ҳам шаклланиши керак.

Оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш ва психологик барқарорликни таъминлаш. Ходимлар ўзларининг кундалик амалий ишларида касбий вазифаларини бажариш сифатига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ноқулай психологик ҳолатлар таъсирига дуч келадилар. Психологик барқарорликка ходимларнинг салбий ҳолатлар таъсирига тушмаслик қобилиятида намоён бўладиган психологик тайёргарликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қаралади. Бу ўринда оператив хизмат вазифаларини бажариш чоғида мазкур қийинчиликларга олдиндан кўзи етишига оид қобилиятни шакллантириш муҳим. Психологик барқарорликнинг шаклланиши ходимларнинг энг катта психологик қийинчиликлар шароитида ўз вазифаларини камчиликсиз бажариш машқини олишига ёрдам беради. Бунга машқлар ва амалий машғулотлар жараёнида оғир вазиятларни моделлаштириш йўли билан эришиш мумкин.

Шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини туттириш ва бошқариш усулларини ўргатиш. Ходимларнинг психологик барқарорлигини ва оғир вазиятларда ўзини тута билиш қобилиятини шакллантириш уларда масъулият, муваффақиятсизликка чидаш, таваккалга мойиллик ва барқарорлик, ўзини бошқара олиш, собитлик каби муайян ҳиссий-иродавий хислатларни шакллантиришни тақозо этади. Ходимлар ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳис-туйғуларини назорат қилиш ҳамда бошқариш усуллари эгаллаган бўлишлари керак. Улар машғулот ва машқлар жараёнида ўзларини бошқариш, асабий зўриқишни йўқотиш, ички имкониятларни қўйилган вазифани бажаришга йўналтириш усуллари эгаллайдилар.

Иродавий фаоллик ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг амалий фаолиятларида вазифани сифатли бажаришни қийинлаштирадиган, баъзан эса қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қиладиган турли хил қийинчиликлар ва

тўсиқларга дуч келадилар. Бундай вазиятларда улар ушбу қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ундовчи иродавий фаолликни намойиш этишларига тўғри келади. Иродавий ҳаракат кўникмаларини ривожлантиришга машғулотлар жараёнига қўйилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқларни киритиш ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида тўпланган иродавий фаоллик тажрибаси шахс иродасини, иродавий хислатларини ривожлантиришга таъсир этади.

Ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлик. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига хос хусусиятлардан бири шундаки, таъсир этувчи омилар кўпинча стресс ҳолатини келтириб чиқаради, асаб тизимига ҳаддан ташқари катта оғирлик тушади. Бу, ўз навбатида, улар амалга оширадиган фаолиятнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ходимлар ушбу жараёнлар кечилишининг асосий қонуниятлари ҳамда қисқа вақт ичида иш қобилиятини тиклашга ва ортиқча асабий зўриқишни бартараф этишга ёрдам берадиган усуллар (чунончи, психологик бошқарув машқларини бажариш усуллари) билан таништирилиши зарур.

Бундан ташқари, хизмат вазифаларини самарали бажаришда махсус полигонлар, тренажёрлар, ҳар хил тўсиқлар, психологик тайёргарлик хоналарининг ўрни беқийёсдир.

Сўнги вақтларда психологик тайёргарликни ташкил этишда ички ишлар ходимларининг касбий-психологик тренингдан фойдаланиш борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Касбий-психологик тренинг ходим шахсининг касбий муҳим хислатларини самарали ривожлантиришга имкон берувчи мақсадга қаратилган машқлар тизимидир. Ушбу тренинг ходимнинг касбий фаолияти самарадорлигини оширадиган тегишли психологик усулларни эгаллашини ҳам тақозо этади.

Психологик тайёргарликни амалга ошириш учун қуйидаги *касбий-психологик тренинг усуллари* қўлланилади: билиш хислатлари тренинги; коммуникатив тренинг; ролга кириш тренинги; психологик бошқарув машқлари; психо-техник ўйинлар.

Касбий-психологик тренинг усуллари оператив ходим учун зарур бўлган хислатлар, кўникмалар ва маҳоратни самарали шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

Билиш хислатлари тренингига касбий хотира, касбий кузатувчанликни ривожлантириш ва касбий идрок тажрибасини тўплаш бўйича тренинглар, касбий зийракликни ривожлантириш бўйича машқлар киритилади.

Коммуникатив тренинг психологик алоқа ва ишончли муносабат ўрнатиш, оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларга психологик таъсир кўрсатиш кўникмаларини эгаллашни ўз ичига олади.

Ходимлар оператив хизмат вазифаларини бажариш жараёнида турли ролларни бажаришларига тўғри келади. Бошқа қиёфага кириш, ўз хатти-ҳаракатларини ниқоблаш ва асослаш қобилияти ички ишлар ходимлари касбий маҳоратининг зарур таркибий қисми бўлиб, унда тегишли хислатларни шакллантириш учун *ролга кириш тренинги* катта аҳамият касб этади. Ролга кириш кўникмалари роль гимнастикалари, яъни нутққа ва нутқсиз воситаларга тегишли ролга мос ташқи ифодали белгилар бағишлаш, ушбу воситаларни қўллашда импровизация қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус машқларни бажариш орқали ривожлантирилади.

Ҳиссий-иродавий жараёнларни бошқара олиш кўникмаларини эгаллаш учун *психологик бошқарув машқларидан* фойдаланилади. Бу машқлар шахснинг ҳиссий ҳолатларини бошқаришга, ортиқча асабийлик, зўриқишни бартараф этишга, ходимнинг фаолиятида муайян ижобий кайфият яратишга имкон берувчи ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашга қаратилган. Ушбу гуруҳга аутоген машқлар, иродавий ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллаш ҳам киритилган.

Психотехник ўйинлар ходимларни психологик тайёрлашнинг самарали усули бўлиб, ўйин тарзидаги хатти-ҳаракатларни бажариш орқали муайян хислатларни шакллантириш учун қўлланилади. Психотехник ўйинлар психологик жиҳатдан амалдаги вазиятларга яқин бўлган, ҳақиқатда мавжуд вазиятларни қарор топтиришга асос бўладиган муайян ролларни, ўзаро ҳаракатларни бажаришни назарда тутлади.

Психологик тайёргарлик усуллари *оператив хизмат фаолияти шароитлари ва қийинчиликларини психологик моделиштириш* ҳам киритилади. Бу оператив хизмат фаолиятининг ҳақиқий вазиятларига яқин бўлган ташқи ва ички (психологик) шароитларни яратишга имкон берувчи йўллар, усуллар ва воситалар мажмуидир.

Психологик тайёргарлик усуллари орасида *амалий вазифаларни психологик таҳлил қилиш ва бажариш усули* ҳам ажратилиши мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги ходимлар касбий психологик тайёргарлигининг даражасини ҳақиқатда текшириш имкониятидир. Амалий вазиятларни ҳал қилиш ходимларга эгалланган билим, кўникмалар ва уқувларни оператив хизмат фаолиятида қўллашга имкон беради.

Касбий-психологик тренинг вазифалари, мазмуни ҳамда амалга ошириш йўлларининг мураккаблиги ва масъулиятлилиги уни ўтказишни ташкил этишга ва усулларига юқори талаблар қўйилишини белгилаб беради. Касбий-психологик тренингни амалга оширишда уни ташкил этишнинг муайян принципларига суяниш зарур. Қўйидаги умумий принциплар мавжуд: тренингнинг илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги; тренингнинг касбий йўналганлиги; уни ўтказишда мунтазамлилик ва кетма-кетлик; таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги; тайёргарлик кўришнинг барча учун осонлиги.

Касбий-психологик тренингнинг қўлланиладиган восита ва усуллари мажмуининг *илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги* унинг психологик жиҳатдан нозик жиҳатларини чуқур ва аниқ билиш ҳамда юридик психология ва педагогика тавсияларига риоя қилиш зарурлигидан келиб чиқади.

Тренингнинг касбга йўналганлиги тайёргарлик вазифалари ва мазмунининг ходимлар касбий фаолиятининг хусусиятлари ва улар дуч келадиган психологик қийинчиликлардан келиб чиқиб максимал даражада аниқлик киритилишида ифодаланади. Шундан келиб чиқиб ўқув вазифалари, усуллари, объектларини танлаш, шарт-шароитлар ва ҳаракатларни имитация қилиш зарур.

Касбий-психологик тренингни ўтказишда *мунтазамлик ва кетма-кетлик* янги билим, кўникма ва уқувлар аввалгилари асосида эгалланганда, аввалгилари эса ривожлантиришни талаб этганда психологик тайёргарликни ўтказишда қатъий мантиқий алоқа бўлишини талаб этади. Бунда оддийдан мураккабга, синалгандан синалмаганга томон бориш; машқ қилувчиларнинг ҳақиқий билимларини ва аввалги машғулотларда эришган натижаларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда катта, аммо бажарса бўладиган қийинчиликларни яратиш зарур. Ушбу машғулот топшириқлари (вазифалари, суръати, шароитлари ва ш.к.)даги қийинчиликлар аввалгиларидан бироз кўпроқ бўлгани маъқул. Агар машқ қилувчи, ҳаракат қилишига қарамай, вазифани умуман бажара олмаётган бўлса, қийинчиликни камайтириш лозим.

Машқлар вақтидаги қийинчиликлар тингловчиларнинг имкониятларини сафарбар қилади, таълим жараёни тезлашади, натижалар ҳам ошиб боради. Вазифалар оддий, осон бажариладиган бўлса, машғулотларга қизиқиш пасаяди, таълим суръатлари секинлашади.

Таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи ходимларнинг ўз қобилиятларини такомиллаштириб боришлари, билим олишларини фаоллаштириш, психологик тайёргарлик бўйича машғулотларга барқарор қизиқишларини шакллантиришга қаратилган онгли фаолиятини таъминлашдан иборат. Машқ қилувчи нимани ва қандай тартибда бажариш кераклигини аниқ тушуниб олиши зарур. Бунда ҳаракатни эгаллаш суръатлари ва даражаси ҳамда амалиётда бажариш самарадорлиги ошади.

Тайёргарлик кўришнинг осонлиги принципи психологик тайёргарликни ходимларнинг зарур билимлар ҳамда талаб этилаётган кўникма ва уқувларни ўз ақлий ва жисмоний кучларини муайян даражада зўриқтириш эвазига онгли равишда ўзлаштира олишлари учун қулай тарзда ташкил этиш ва ўтказишни талаб этади.

Касбий-психологик тренингни самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири ходимларнинг ўз имкониятларини, касблари учун муҳим шахсий хислатларининг ривожланганлик даражасини билишларидир. Бу эса ходимга тайёргарлик дастурини тўғри белгилаш, ўз кучларини керакли йўналишда жамлаш имконини беради. Бу борада ходимга ўз психологик имкониятларини яхшироқ билиш имконини берадиган муайян оддий психодиагностик усуллардан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин.

Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралигидан далолат беради.

Касбий фаолият ходимга турли талаблар қўяди. Улар орасида энг муҳимларидан бири *шахсда касбий-хислатларнинг ривожланган бўлиши*. Бунга биринчи навбатда қуйидагилар киради: шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги; психологик барқарорлик; ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик; яхши ривожланган коммуникатив хислатлар; турли тоифадаги кишилар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва уни сақлай билиш; турли хил профилактик ишларни амалга оширишда фуқароларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти; ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилик, ривожланган хотира, ижодий тасаввур; ривожланган тафаккур, ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция; зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга туғилганидан хос эмас, уларни шакллантириш ва ривожлантириш — давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар идоралари ходимларининг касбий шаклланиши учун зарур шартдир. Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги ўз функционал вазифаларини меъёрида бажаришига халақит беради, фаолиятида хатоларга йўл қўйишига, ўз касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади. Шу боис ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўлган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний зўриқишлар ҳаддан ташқари юқори бўлганида, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганида асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30% уйқусининг бузилишидан шикоят қилганлар, 80% дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда чарчаш (70%), диққатнинг пасайиши (30%), тажанглик (20%), бош оғриғи ва айланиши (10%), уйқучанлик ва дармонсизлик (10%)ларда намоён бўлади³.

Шу боис ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустакамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ходимдаги ҳиссий-иродавий барқарорликка унинг касбий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ходимнинг касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади. Ҳиссий-иродавий барқарорлик қуйидагиларда намоён бўлади: экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ва ноаниқликлар, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги; психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда вазифани беҳато бажариш машқини олганлик; касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, қутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намоёйиш этиш; ишларни қатъий қонун асосида юритишга таъсир этувчи шахсларнинг руҳий таъсирига берилмаслик;

³ Қаранг: Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. — Т., 2002. — Б.35—36.

жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилик кўрсатувчи шахсларга қарши психологик кураш олиб бориш қобилияти; психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, ифвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни қуйидаги учта асосий принципга таянади: релаксация; визуаллаштириш; ўзини ўзи ишонтириш.

Релаксация принципнинг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш ҳамда ўз организмнинг ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ва одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашгани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи принцип — **визуаллаштириш**. Интуитив тафаккур онга кириб боришининг турли йўллари билан фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгизда образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан ҳис этиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усуллари билдиради. Аслида, инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

Ўзини ўзи ишонтириш принципнинг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс-садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш — образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

Аутоген машқлар организмнинг аввалдан бошқарилмайдиган функцияларини бошқариш имкониятини оширишга қаратилган машқлар тўпламини ўз ичига олади. Аутоген машқ — немис олими И.Г.Шульс таклиф этган ўзини ўзи ишонтириш усули. Ушбу методда дастлаб ўзини ўзи ишонтириш орқали мушаклар тонусининг бўшашига — релаксацияга эришилади, сўнгра ушбу ҳолатда организмнинг у ёки бу функциясига қаратилган ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

Бугунги кунда ходимларнинг касбий фаолият самарадорлигини таъминлайдиган зарур, профессионал жиҳатдан муҳим хислатларини ривожлантириш, фаолиятининг ишончлилигини оширувчи, одамлар билан моҳирона ишлашига ёрдам берувчи усулларни ўзлаштиришлари жуда муҳим. Шу боис касбий-психологик тайёргарликнинг истиқболли йўналиши бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги бугунги кунда катта қизиқиш уйғотади.

Е. И. Макаренко*

ЗАДЕРЖАНИЕ ПОДОЗРЕВАЕМОГО: УКРАИНСКАЯ ДОКТРИНА

Постановка проблемы. В текущем году исполняется 10 лет, как в рамках «малой судебной реформы 2001 года» из содержания действующего Уголовно-процессуального кодекса Украины (далее – УПК)¹ и одновременно из учебной литературы по уголовному процессу и криминалистике (соответственно и из учебных программ указанных дисциплин для вузов МВД страны) было исключено такое процессуальное (следственное) действие, как «задержание подозреваемого» в совершении преступления (а равно разыскиваемого обвиняемого, скрывающегося от органов дознания или досудебного следствия, или осужденного, совершившего побег из места лишения свободы), которое, тем не менее, и до сих пор проводится органами дознания и следователями по расследуемым уголовным делам. При этом, дополнив ст. 149 УПК частью 2, законодатель предложил толковать «задержание» временной мерой пресечения, заключающейся в изоляции подозреваемого путем помещения его в изолятор временного содержания на срок, не превышающий 72 часов.

Таким образом, за всю историю своего существования «институт задержания преступников» впервые на законодательном уровне поддался изменению настолько, что потерял, на наш взгляд, свое исходное предназначение в сфере уголовного судопроизводства, и это обстоятельство вызывает у нас серьезную обеспокоенность. Между тем правильное применение «института задержания» имеет важное значение для обеспечения законных прав и интересов граждан, укрепления законности и правопорядка в Украине.

Анализ публикаций, в которых ранее исследовалась данная проблема. Проблемы задержания правонарушителей являются предметом исследования разных отраслей (уголовного, уголовно-процессуального, административного, таможенного) права и прикладных юридических наук (криминалистики, теории оперативно-розыскной деятельности и др.). Что касается задержания лиц, совершивших преступление и скрывающихся от органов дознания, досудебного следствия и суда, то оно всегда являлось предметом более пристального внимания ученых-процессуалистов и криминалистов. В частности, в разнообразных аспектах эти вопросы представлены в трудах нескольких поколений ученых, начиная с И.Т. Тарасова (в 1875 г.), который первым выделил институт задержания преступника как полицейскую меру безопасности². Почти сто лет спустя интересными публикациями по данной тематике зарекомендовали себя свыше четырех десятков зарубежных ученых-процессуалистов и криминалистов, в частности В. В. Бабурин, И. А. Веретенников, В. Н. Григорьев, А. П. Гуляев, И. М. Гуткин, А. А. Давлетов, И. О. Дворяк, Е. М. Клюков, А. В. Колеснев, Н. В. Луговец, К. В. Матисов, В. Ю. Мельников, Д. Я. Мирский, А. В. Ольшевский, А. В. Павлов, И. Л. Петрухин, Е. А. Пидусов, Н. В. Попков, И. А. Ретюнских, Л. А. Сергеев, О. Б. Смушкин, В. И. Тихоненко, Л. В. Франк, Ю. Д. Федоров, О. И. Цоколова, В. И. Янушко и др.³

* Профессор кафедры криминалистики Днепропетровского государственного университета внутренних дел (Украина), кандидат юридических наук, профессор.

¹ См.: Уголовно-процессуальный кодекс Украины (утвержден Законом Верховного Совета Украинской ССР от 28 декабря 1960 г., введен в действие с 1 апреля 1961 г., действует до сих пор с многочисленными изменениями и дополнениями).

² См.: Тарасов И. Т. Личное задержание как полицейская мера безопасности: [В 2-х ч. Ч. 1-2 / Соч. И. Тарасова]. Рассуждение, представленное для публичной защиты на степень магистра И. Тарасовым. – Киев, 1875.

³ См.: Франк Л. В. Задержание и арест подозреваемого в советском уголовном процессе (Уголовно-процессуальное и криминалистическое исследование). – Душанбе, 1963; Клюков Е. М. Задержание подозреваемого по советскому

Казалось бы, важность и практическая необходимость задержания подозреваемого должны вызывать не менее пристальное внимание и интерес и украинских ученых, однако отечественных ученых, которых заинтересовали эти вопросы, не так много: А. Г. Александровский, А. И. Белоусов, А. Я. Дубинский, Н. Н. Короткий, В. О. Малярова, Н. А. Погорельский, В. М. Тертышник, А. П. Черненко, А. К. Чернова и др., в том числе и автор данной статьи¹. Труды указанных авторов, безусловно, представляют определенную научную и практическую ценность, поскольку благодаря им «институт задержания преступников» имеет свою историю, восходящую своими истоками к теории легальных доказательств. Постепенно создавался институт задержания подозреваемых (а также разыскиваемых обвиняемых и осужденных, сбежавших с места лишения свободы), совершенствуясь в соответствии с изменениями, происходившими в жизни общества и государства. Наиболее прогрессивно, на наш взгляд, этот институт был выражен в ст.ст. 104, 106 УПК Украинской ССР, где он имел весомый статус следственного действия.

Исходные предпосылки и цель исследования. Анализ законодательных актов и научных публикаций по исследуемой проблематике дает нам основания полагать, что «задержание» является многозначным термином, каким в зависимости от контекста того или иного нормативного акта на протяжении длительного времени обозначали разные правовые и неурегулированные нормами права явления. Иначе говоря, в системе законодательства Украины «институт задержания» без решения суда формировался не одним, а несколькими законами: «О милиции», «Об ОРД», «Об организационно-правовых основах борьбы с организованной преступностью», Кодекс Украины об административных правонарушениях, УПК Украины. Как следствие, «задержание» попало в число тех правовых явлений, существование которых постоянно сопровождается клубком проблем. Более того, можно утверждать, что предпринимаемые попытки их решения, не внося полной ясности, нередко порождали новые.

уголовно-процессуальному праву: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1972; Федоров Ю. Д. Тактика задержания. – Т., 1975; Янушко В. И. Тактика задержания подозреваемых. – Минск, 1981; Петрухин И. Л. Задержание // Проблемы кодификации уголовно-процессуального права. – М., 1987. – С. 51–65; Задержание лиц, подозреваемых в совершении преступления: Учебное пособие / А. П. Гуляев, С. А. Данилюк, С. Н. Забарин; под общ. ред. А. П. Гуляева. – М., 1988; Григорьев В. Н. Задержание подозреваемого органами внутренних дел. – Т., 1989; Задержание вооруженных преступников: Учебное пособие / Янушко В. И., Круглов В. А., Бабовоз С. П., Дворник Г. М. – Минск, 1994; Дворяк И. А. Тактика личного задержания преступника и применения приемов самозащиты без оружия: Учебное пособие. – М., 1996; Гуткин И. М. Актуальные вопросы уголовно-процессуального задержания: Учебное пособие. – М., 1980; Веретенников И. А. Задержание подозреваемого как комплексный правовой институт: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001; Ретюнских И. А. Процессуальные проблемы задержания лица по подозрению в совершении преступления: Дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2001; Лидусов Е. А. Задержание подозреваемого по делам о незаконном обороте наркотических средств и психотропных веществ: процессуальные и криминалистические аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002; Бабурин В. В. Незаконное задержание: уголовно-правовой и уголовно-процессуальный аспекты: Монография / В. В. Бабурин, П. Л. Сурихин. – Красноярск, 2004; Луговой Н. В. Задержание подозреваемого и иные меры процессуального принуждения: Дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2004; Мельников В. Ю. Задержание подозреваемого: Дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2004; Матисов К. В. Задержание и доставление в ОВД лиц, подозреваемых в совершении преступлений: Учебно-методическое пособие. – Челябинск, 2005; Ольшевский А. В. Задержание подозреваемого как мера уголовно-процессуального принуждения: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006; Физическое задержание правонарушителей с использованием подручных средств: Учебно-методическое пособие / А. В. Колеснев, А. Н. Новиков, М. И. Литвиненко. – Домодедово, 2007; Попков Н. В. Задержание подозреваемого и обвиняемого как вид государственного принуждения: Дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2007; Цоколова О. И. Теория и практика задержания, ареста и содержания под стражей в уголовном процессе: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2007; Смушкин А. Б. Задержание в структуре тактической операции при расследовании преступлений. – Саратов, 2008; Павлов А. В. Задержание обвиняемого, находящегося в розыске: Дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2009; и др.

¹ См.: Дубинский А. Я. Некоторые вопросы правовой регламентации задержания подозреваемого в совершении преступления // Материалы теоретической конференции по итогам научно-исследовательской работы профессорско-преподавательского состава за 1972 год (Киевская ВШ МВД СССР). – Киев, 1973. – С. 87–92; Тертышник В. М. Задержание подозреваемого: содержание и процессуальная форма // Вопросы уголовного процесса и криминалистики. – М., 1988; Макаренко Е. И. Розыск и задержание подозреваемых (обвиняемых) в наркобизнесе: Учебное пособие. – Днепропетровск, 2005; Малярова В. О. Тактико-криминалистические и процессуальные основы поиска и задержания преступника: Дис. ... канд. юрид. наук. – Харьков, 2005; Белоусов А. И. Задержание подозреваемого как временная мера пресечения в уголовном процессе Украины: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Одесса, 2006; Погорельский Н. А. Задержание подозреваемого: проблемы, обоснования, решения // Юридический советник. – 2007. – № 6 (20). – С. 92–97; Чернова А. К. Задержание лица, подозреваемого в совершении преступления: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Одесса, 2009; и др.

Учитывая это, сегодня крайне важно обстоятельно проанализировать как соответствующие изменения в украинском законодательстве, так и следственно-судебную практику его применения за последнее десятилетие. Ставя это себе это в качестве задачи, мы стремились реанимировать взгляды относительно сущности и места «института задержания подозреваемого» в системе мер уголовно-процессуального принуждения; оценить, насколько изменения в законодательстве 1996 и 2001 годов повлияли на практику задержания преступников и насколько последняя отвечает стандартам, отмеченным международными институциями в их замечаниях и рекомендациях, адресованных правительству Украины. В конечном итоге, сопоставление национального законодательства с международными стандартами задержания и поведения с задержанными даст наглядную картину наших успехов и просчетов.

Изложение основного материала исследования. Быстрое установление и задержание лиц, виновных в совершении преступлений, всегда считалось одной из сложных задач⁹⁰ органов уголовного преследования, степень выполнения которого была и остается важнейшим показателем эффективности их деятельности в борьбе с преступностью. Испокон веков эта важная сфера правоохранительной деятельности протекает в условиях повышенной конфликтности и противостояния, из-за чего требует совершенной правовой регламентации. Вот как это регламентировалось, например, во времена Киевской Руси: «В случае, когда хозяином был схвачен вор на месте преступления (во дворе, в доме или хлеве), его насильственные действия по задержанию (и даже убийство) вора считались правомерными, если тот оказывал сопротивление. Если же вор не оказывал никакого сопротивления, то хозяин обязан был связать его и отвести на княжеский двор для осуществления суда»¹.

В современной Украине задержание лиц, подозреваемых в совершении преступлений, часто соединено со значительными трудностями, что объясняется несовершенством действующего законодательства. Так, например, параграф 1 ст. 5 Европейской Конвенции² предусматривает одно из ключевых требований законности задержания без ордера – наличие разумного подозрения. Между тем, у практических работников часто нет четкого представления относительно сути подозрения в уголовном процессе, однообразного понимания оснований задержания лиц по подозрению в совершении преступления, в особенности, что понимается под «иными данными», предусмотренными ч. 2 ст. 106 УПК Украины (ст. 221 УПК Узбекистана). Указанные обстоятельства не способствуют единообразному и правильному толкованию «задержания» в науке и применению этого принудительного действия в практической деятельности, что нередко порождает в следственной практике серьезные процессуальные ошибки и т. п.

Действительно, как показывает проведенное нами обобщение и анализ материалов уголовных дел, по которым органами дознания и досудебного следствия осуществлялось задержание подозреваемых (обвиняемых) в совершении преступления³, пока что крайне редко можно встретить такой случай, когда бы задержание было полностью безукоризненным с точки зрения соблюдения закона. Так, во время задержания сотрудники милиции допускают серьезные процессуальные ошибки:

¹ *Примаченко В.Ф.* Задержание лица, совершившего преступление, как обстоятельство, исключющее преступность деяния: Дис. ... канд. юрид. наук. – Днепропетровск, 2008. – С. 21. Статьи 21, 38 кр. ред.; ст. 40 шир. ред. «Русской Правды», составленной в 1016 г. на основе обычного права, действовавшего в XI–XII ст. на всей территории Киевской Руси как главный источник правовых, социальных и экономических отношений восточных славян.

² Упомянутая Европейская Конвенция 1950 г. – единственный международный документ, который имеет целью не только защиту широкого круга гражданских и политических прав людей, но и создает систему их защиты, потому что одновременно она является договором юридически обязательным для Высоких Договаривающихся Сторон, который устанавливает систему контроля за осуществлением прав человека в пределах страны-члена Совета Европы, в который входит и Украина. Поэтому ее ценность состоит не столько в фиксации прав и свобод, сколько в создании механизма их имплементации, сущность которого заключается в возникновении на европейском пространстве особого органа – Европейского Суда по правам человека (г. Страсбург).

³ Нами проинтервьюировано 352 следователя органов внутренних дел, которые специализируются на расследовании преступлений корыстно-насильственной направленности, и по специально разработанной программе изучено 620 уголовных дел, находившихся в производстве следователей управлений (отделов) УМВД-УМВДТ восточных (Харьковской, Луганской, Донецкой и Днепропетровской) областей Украины по расследованию организованной преступной деятельности.

иногда задержание и изоляция подозреваемых осуществляется бессновательно до возбуждения уголовного дела (по данным нашего исследования подобные факты составили 14,7 %); во время задержания сотрудники милиции не всегда фиксируют фактические данные, имеющие доказательственное значение для дела; в протоколах задержания часто не находят отражения с надлежащей полнотой основания задержания и объяснения задержанных лиц; подозреваемому не всегда детально разъясняются его процессуальные права, он допрашивается в качестве свидетеля и вынужден свидетельствовать против себя под угрозой уголовной ответственности¹; порой к лицу, задержанному во время совершения преступления «с поличным» и обоснованно подозреваемому в совершении преступления, применяются меры административного воздействия – задержание сроком до 10-15-30 суток, препятствуя тем самым реализации им своего законного права на защиту от инкриминируемых обвинений.

Не является тайной, что преодолевая сопротивление, сотрудники милиции нередко превышают установленные законом допустимые пределы применения принуждения. Иногда их действия граничат со служебным злоупотреблением имеющимися властными полномочиями. Обращения задержанных подследственных и осужденных граждан к Уполномоченному по правам человека, к национальным судебным органам и правозащитным организациям, в Европейский суд по правам человека подтверждают, что в современной практике правоохранительных органов Украины имеются факты так называемого «теневого» задержания, когда лицо задерживается намного раньше, чем это отмечено в протоколе о его задержании (например, Виктор Копча (г. Кривой Рог) был задержан в 6 часов утра 25 ноября в 2003 г., а к судье доставлен лишь 30 ноября 2003 г., поскольку протокол о задержании был оформлен только 27 ноября 2003 г.²).

Безусловно, упомянутые негативные факты из современной практики задержания подозреваемых имеют принципиальное значение в свете требований ст.ст. 14, 106 УПК и ст.ст. 3, 24, 28-30, 55-57, 61-63 Конституции Украины.

Справедливости ради надо отметить, что по выполнению обязательств по международным договорам в плане защиты прав человека на свободу и личную неприкосновенность Украиной осуществлены конкретные меры. Наиболее существенно стандарты защиты этого права отразились в новой Конституции Украины (1996 г.), принятие которой обозначило собой ощутимый шаг по укреплению гарантий неприкосновенности человека. Закрепленные в ней предостережения направлены на то, чтобы любой, даже временный досудебный арест человека не применялся произвольно, а был следствием непредвзятого, тщательным образом взвешенного решения. Так, в ч. 2 ст. 29 отмечается: *«Никто не может быть арестован или содержаться под стражей иначе как по мотивированному решению суда и только на основаниях и в порядке, установленных законом»*. При этом, допуская как исключение из общего правила задержание человека без постановления суда, ч. 3 той же статьи предусматривает единственное условие – *«В случае неотложной необходимости предотвратить преступление или его пресечь, уполномоченные на то законом органы могут содержать лиц под стражей в качестве временной меры пресечения»*³.

Цитата из Конституции Украины приведена вовсе не случайно. Дело в том, что нынешняя конституционная регламентация досудебного ареста все же не является идеальной. Более того, в

¹ Это во многом обусловлено тем, что по законодательству (ст. 43-1 УПК) Украины «подозреваемым признается лицо, задержанное по подозрению в совершении преступления, либо лицо, к которому применена мера пресечения до вынесения постановления о привлечении в качестве обвиняемого». В то время, как в других странах (например, согласно ст. 47 УПК Узбекистана) «подозреваемый – это лицо, в отношении которого в деле имеются данные о совершении им преступления, но недостаточные для привлечения его к участию в деле в качестве обвиняемого. О признании лица подозреваемым дознаватель, следователь или прокурор выносит постановление».

² См.: Предотвращение пыток в Украине: Выполнение национальных и международных стандартов обращения с лицами, задержанными и лишёнными свободы: Пособие для работников правоохранительных органов и наблюдателей за соблюдением прав человека. – Киев, 2003. – С. 2; Права человека в Украине – 2006; <http://helsinki.org.ua/index.php?id=177338182>; <http://prava.kiev.ua/n83.php>.

³ См.: Конституция Украины (принята на пятой сессии Верховной Рады Украины 28 июня 1996 г. (Закон Украины от 28 июня 1996 г.; с изменениями и дополнениями, внесенными Законом Украины от 8 декабря 2004 г.).

законодательной норме использован произвольный, трудно переводимый оборот. В частности, если предостережение законодателя «никто не может быть арестован или содержаться под стражей» как интуитивно, так и этимологически воспринимается лицами, пытающимися понять закон, как «никто не может быть задержан или взят под стражу», то как понимать слова «в случае неотложной необходимости предотвратить преступление или его пресечь ... органы могут применять содержание лиц под стражей»? Выходит, что в последних словах речь идет не о физическом задержании лица как средстве, которое реально не дает ему возможность довести преступление до конца, а о его содержании под стражей. А куда ж подевалось «задержание» — физический захват лица и доставление его в орган уголовного преследования, представляющие собой неотъемлемые этапы задержания лица и, как правило, предшествующие взятию его под стражу?

Представляется, что данное обстоятельство предопределено тем, что ни «Толковый словарь», ни «Этимологический словарь украинского языка» не содержат давно и широко употребляемого в законодательстве и на практике термина «затримання» (рус. - «задержание»)¹. Однако достаточно обратиться к «Словарю Ожегова» или «Толковому словарю живого великорусского языка Владимира Даля», чтобы убедиться в том, что слова «задержание», «задерживать» толкуются как «останавливать, не пускать, не давать свободы, воли, движению, воспрепятствовать передвижению кого-нибудь, задерживать кого-то»². Бесспорно, что идет речь о физическом захвате лица, а не ограничении ее воли путем взятия под стражу. Поэтому изменение статуса «задержания» со следственного действия на временную меру пресечения, по нашему убеждению, является ошибочным шагом украинского законодателя.

Не совсем удачным следует признать также и содержание ч. 3 ст. 29 Конституции Украины, допускающей кратковременное задержание без соответствующего на то решения суда лишь с целью «предотвратить преступление или его пресечь». На наш взгляд, это требование не может быть реализовано в действующем УПК и повседневной практике именно из-за того, что неоправданно «связывает руки» правоохранителям. А как им прикажете действовать в случае неотложной необходимости задержания лица, которое не готовится (или совершает), а только что совершило оконченное преступление и пытается убежать? Кстати, именно такого характера ситуации как основания задержания сформулированы в ст. 106 действующего УПК. Выходит, что согласно ч. 3 ст. 29 Конституции задержание подозреваемого в большинстве случаев, предусмотренных ст. 106 УПК, следует признать неправомерным.

Как результат, введенное ч. 3 ст. 29 Конституции ограничение задержания без ордера фактически игнорируется как действующим уголовно-процессуальным законодательством, так и повседневной практикой, которая большую пользу видит в преемственности и неизменности выверенных временем положений УПК. Хотя предусмотренные им ограничения относительно оснований задержания лица в той формулировке и толковании, которые они приобрели на практике, давно потеряли свой сдерживающий эффект. Сегодня задержание осуществляется на основании любых данных, которые есть в распоряжении органа дознания или следователя, независимо от того, находится лицо, принимающее решение о задержании, в ситуации «*неотложной необходимости предотвратить преступление или его пресечь*» или нет.

Ввиду того, что в действующем законодательстве Украины отсутствуют самостоятельные критерии, которые бы, с одной стороны, четко определяли условия законности «фактического» задержания, и, с другой стороны, регулировали бы правоотношения, складывающиеся в период между «фактическим» задержанием и составлением протокола задержания, на практике получило распространение «теневое» задержание.

